

Oila va jamiyat

№ 45 (1446)
13-NOYABR
2019-yil

chiqa boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot



KORRUPSIYA – jamiyat rivojlanishining eng katta to'sig'i

– Oddiy qo'lda: korruptsiya bor joyda taraqqiyot b'lmaydi. Endi bu porax'urlik oliy ta'lim tizimida avj olsa-chi? Birinchi navbatda, iste'dodli e'shlar talaba b'la olmaydi, yurtдан chiqib ketib qoladi. Oхir oqibatda mamlatkаni, хalkni savodsizlar, ukvсizlar бошqара бошлайди. Яна ўғрилиқ, яна korruptsiya авж олади! – деб ёзади журналист Фозил Фархoд Facebook ижтимоий тармоқдаги гуруҳида. Лoбар Хайруллаева эса аввало, ислохотни ҳамма ўзидан бошласа, ҳеч ким пора бермасин, пора олмасин.

» » » » » » » 9



OSHXONADAGI ERKAKLAR

yoхud televideniya hayotiga bir nazar

Балки сиз: майли, қайнона-келин овқат тайёрлар экан, шунга ҳам ота г'ри қозихонами, дерсиз? Сизни билмадим, бироқ менга ошхонада овқат тайёрлаётган икки аёлнинг ўртасига эркак кишининг туриб олиб гап қўшиши жуда бачкана туюлди.

“QALTIS” HARAKATLI AKTYOR

Ibrat 9

“Matonat va bardosh – suyanchim va yo'ldoshim”



Баъзан ҳаёт зарбалари, таъшивлари олдида ўзимизни ожиз ҳис қиламиз, баъзида эса тушқунлик ҳисси бизни чулғаб олади. Натижада ҳаётдан нолиб, дунёни адолатсизликда айблаётган бўшлаймиз. Соғлом тана, бутун ақл, гўзал қиёфа билан ҳам тақдирдан норозилар қанча.

Yo'l qoidasi 8

Avtoulovga chiqqaniga pushaymon qilmang



– Ҳой, эшитмадингми, нега бекатда тўхтамайсан?
– Аввалроқ тушишингизни айтинг-да ахир, ота,
– деди қулоғида симли телефон билан гаплашаётган ҳайдовчи.
– Айтмаса тўхтатмайсанми, ахир ҳар бир бекатда тўхтатишинг керак-ку!

Aralashuv 12

So'z erkinligi tuhmat qilishga izn bermaydi!



Ассалому алайкум, кўмита ходимлари. Айни пайтда мен уйсиз, ижарама-ижара сарсон бўлиб юрибман. Менинг уйимни ҳоқимият ҳеч қандай оғохлантиришсиз бузиб ташлади, лекин уйим бузилганлиги учун бериладиган компенсацияни беришмади.

BEPUL OPERATSIYA QILDIRILADI



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулдда ва мухтор элчиси Цзянь Янь хоним билан бўлган учрашувларда Ўзбекистонда 500 киши (ёрдамга мухтож oilалар, аёл ва эркаклар)нинг кўз катарактаси операцияларини ўтказишга келишилган эди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Хитой Халқ Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бу борада музокаралар олиб борди.

Жорий йил 4 ноябрь куни Хитой Халқ Республикасининг тажрибали мутахассислари мавжуд вазиятни ўрганиш ҳамда дастлабки ишларни бошлаш учун Ўзбекистонга ташриф буюришди.

ХХР Соғлиқни сақлаш давлат кўмитасининг Халқаро ҳамкорлик маркази ва Пекин университети халқ касалхонасининг малакали мутахассисларидан иборат делегация аъзолари 5

ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Баситханова ҳамда соғлиқни сақлаш вазири А.Шодмонов билан учрашди.

Мулоқотда кўз катарактаси ташхиси билан касалланган беморларни операция қилиш бўйича "Ёрқин йўл" хайрия акциясини ўтказиш, диагностика ва жарроҳлик амалиётларини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

Шунингдек, 8 ноябрь куни Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида бу борада Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Цзянь Янь хоним иштирокида мазкур масала юзасидан ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Ташриф доирасида делегация вакиллари Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси ҳамда Самарқанд вилояти кўз касалликлари шифохонасида аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар билан таништириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, улар Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офталь-


мология кафедраси илмий ходимлари билан ҳам учрашадилар.

Худудий хотин-қизлар кўмитаси ва соғлиқни сақлаш бошқармасига, энг аввало, кам таъминланган oilалар ҳамда ногиронлар қаторидан, шунингдек, "Мурувват" ва "Саховат" уйларида кўз катарактаси операциясига мухтожларни аниқлаш ҳамда тавсия этиш вазифаси топширилди.

Хитойлик 9 нафар малакали мутахассислар ва ўзбекистонлик тажрибали шифокорлар ҳамкорлигидаги мазкур акция 18 ноябрдан 7 декабрга



қадар ўтказилади. Жарроҳлик амалиётлари учун энг замонавий тиббиёт жиҳозларини олиб келиниши кутилмоқда.



QO'NITA VA OLIY SUD HAMKORLIGI

Хоразм вилоятида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тасдиқланган Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум асосида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати ҳамда вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан "сайёр қабул" ўтказилди.

Урганч шаҳридаги "Ёшлар маркази" биносида бўлиб ўтган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад фуқаролик судларига ажрим учун мурожаат қилган oilалар мустақамлигини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш, oilавий ажримлар натижасида болаларнинг ота-она меҳрига зор бўлиб вояга етишининг олдини олишдан иборат.

"Сайёр қабул"да 12 та шахар ва тумандан ажрим ёқасидаги 68 та oilа вакиллари қатнашди. Тадбирда "Фарзанд омонат", "Ота" фильмлари намойиш этилди. Ундан хулоса чиқарган 4 та oilа шу жойнинг ўзида ярашди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Г.Қурбонбоева, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари Х.Ҳақимова, И.Болтаходжаева, Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суди раиси О.Матқаримов, вилоят "Оила" маркази, шахар ҳамда туман ФХДЕ мудирлари, имом-хатиблар иштирок этди. Сайёр қабулда 24 та oilани яраштиришга эришилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Матбуот хизмати.

TADBIKOR — ELGA MADADKOR

Ҳар бир oilа тадбиркор. Бу шior бугунги куннинг долзарб мавзусига айланган. Буни тадбиркорлик орқасидан дастурхони бут, турмуши фаровонлашиб бораётган oilалар мисолида яққол кўриш мумкин. Андижон шаҳар "Сарбонтела" маҳалласида истикомат қилаётган Каромат ая Қаландаровлар oilа аъзолари бир неча йилдирки хонадонда иссиқхона қуриб, яхшигина даромадга эга бўлишяпти.

Суджаат кўчаси 83-уй дарвозасидан ичкарига кирар экансиз, ўзингизни "Боғи эрам"да ҳис қиласиз, гўё. Киши руҳиятига ижобий таъсир этувчи анвойи гуллар, ховлидаги орасталиг-у, саранжом-саришталикдан кўнглингиз яйрайди.

6 сотихлик ховлидаги мўъжазгина иссиқхонада айна пайтда бодринг парвариланмоқда. Бодринг палакларини эҳтиётлаб ипларга боғлаётган

чехраси нурли, истараси иссиқ Каромат опа билан ҳол-аҳволлашдик. Палаклардаги шигил ҳосилдан кўз қувнайди. Аяни қисқа суҳбатга тортдик.

— Нафақага чиққач болаларга эрмак бўлсин, деб икки йил аввал ушбу иссиқхонани қурдирган эдим, — гап бошлади онахон. — Бу ишда фарзандларим Олимжон, Алишержон, Комилжонлар, келинларим ва набираларим яқин кўмакчим. Набираларим Зебохон ҳамда Арофатхон, келиним Наргизахонлар доимий иш билан банд. Бодрингнинг бозори чаққон экан. Уларни бозорга чиқарамиз. Дастурхонимиздан кишинёзин кўкат узилмайди. Киши қанча кўп сабзавот истеъмол қилса, саломатлиги ҳам шунча яхшиланади. Ҳалол меҳнат орқасидан рўзгоримиз бут, дастурхонимиз тўкин.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" мухбири.



YURTIMIZNING BAXTIYOR FARZANDLARI

Ёшлик инсон умрининг энг бебаҳо, такрорланмас фасли ҳисобланади. Бу фаслда ҳар бир йигит-қизнинг қалби қайноқ, ёрқин туйғулари уйғоқ бўлади. Бугун орамызда шундай ёшлар борки, уларнинг заковати, эришаётган ютуқларига, ташаббус ва ғояларга ҳавас қилади киши. Сабоби, улар ёшлик фаслини бекорга ўтказмаётган, тиниб-тинчимас бўлиб ҳаракат қилаётган, ўрганиш билан чекланиб қолмай, ўргатаётган эртамиз эгаларидир. Ахир, Ўзбекистоннинг келажаги ана шу ёшларда, дегимиз келади. Уларни қанчалик эътироф қилсак, тенгдошларига ўрнак сифатида кўрсатсак арзийди.

МАКТАБНИНГ "ПРОФЕССОРИ"

Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда мухташам "Регистон" гавдаланади. Ана шу майдондан ўтиб, ҳар кун кўшимча дарсларга борадиган, ўқиш билан бирга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят бўйича бош сардори бўлишдек масъулиятни эгаллаган Маржона Самадова ҳам мақсадлари сари катта ҳаракатларни бошлаган. Эсимда, 2017 йили бир гуруҳ фаол ёшлар учун Бўстонлик туманида ўқув-семинар бўлди. Сирдарёдан мен ҳам ўз ғояларим билан қатнашдим. Гуруҳимизда самарқандлик Маржона билан ҳар хил масалалар бўйича мунозаралар қилардик. Фарғоналик Қиличбек эса "самарқанддан яхшигина мунозарачи тенгдошимиз бор экан-ку", дея эътироф этган эди. Шу зайлда, йиллар ўтибди-ю, ўша самарқандлик тенгдошимиз улкан ютуқларга эришибди. Жорий йил унинг илмий мақолалари Москвада чоп этиладиган "Интернаука" халқаро журналида нашр қилинди. 2016 йилда ўқувчилар ўртасида ўтказилган



бўлса керак, 10 га яқин Республика ва вилоят танловларининг ғолибаси бўлишга улгурган Муштарий тенгдошлари орасида хурматга сазовор.

Яқинда шоира Фарида Афрўз бошчилигида юртимиз бўйлаб энг истеъдодли ёш ижодкорларнинг "Назм гўнчалари" тўплами чоп этилди. Тўпلامнинг тақдимот маросимида водий ёшлари номидан Муштарийхон сўзга чиқиб, куйидаги сатрларини ўқиганида устозлар эътирофига сазовор бўлди.

"Фарғонадан эсган шаббода,
Юрагимни эркалаб ўтар.
Шеър аталмиш гулзор бўйидан,
Яхшиларга гулдаста тутар".
Дарҳақиқат, шеърларини юрагидаги бонинг гулларига қиёсланган ёш шоирани кўпчилики: "Келажакнинг Зулфияси Фарғонадан экан-да", дея қутлашди. Ўйлайманки, бу қутловлар келажакдаги улкан ютуқлар сари етаклайди.

"ДЎСТЛИКНИНГ ПИРИ"

Муштарийнинг шеърлари ўрин олган китобнинг бир парчасида ме-



нинг ҳам ижодим жой олган эди. Тақдимот маросими сари Тошкентга йўл олганимда бу она шаҳарнинг нақадар чиройли эканига маҳлиё бўлиб қолдим. Айниқса, осмонўпар биноларга қарайман деб, бошингиз айланади-я. Ана шу улкан бинолар шаҳрида улкан ютуқларга эришаётган Жамшидбек Эгамбергеновдек истеъдодли йигит бор, дея баралла айта олам. Пойтахтнинг ёшлари замонавий, эшитганда ҳам ҳар хил чет эл қўшиқларини тинглайди, деб ўйлар эканман. Жамшидбекнинг сеҳрли тори-дан тараладиган куйни, Ўзбекистон халқ артистлари Комилжон Отаниёзов, Бобомурод Ҳамдамов ижро этган қўшиқларни маҳорат билан айтишини кўриб, юқоридаги ўйларим хато эканига гувоҳ бўлдим. Пойтахт ёшлари замонавийлик билан бирга миллий қадриятларни ҳам ўз меъёрида олиб боришар экан. Жамшидбек эса ана шу ёшларнинг сардори. У ҳам худди самарқандлик Маржона каби ёшлар иттифоқининг энг фаол, ташаббускор сардорларидан бири ҳисобланади. Санъатга бўлган қизиқиши бобосидан ўтган тенгдошимиз Бобомурод Ҳамдамовга набира шогирд экан. Севимли устоз ёш истеъдод эгасига санъат сирларини ўргатишдан сира чарчамас, илмсевар сардоримиз эса ўрганишдан тўхтамас экан. Жамшидбек бир санъат билан чекланмай, ижод ҳам қилиб, турли мавзуларда ҳикоялар ёзади. "Гулхан", "Тонг юлдузи", "Ғунча" каби болаларнинг сеvimли насларида кўплаб ҳикоялари чоп этилган. Ижоди ва сеҳрли овози билан "Юксак маънавиятли авлод", "Камалак юлдузлари" каби нуфузли танловларнинг ғолибига айланган. Низомиддин, Озодбек, Акбархўжа сингари дўстлари билан ҳамisha маслаҳатдош бўлган Жамшидбекни юқоридаги йигитлар "Дўстликнинг пири", дейишар экан.


УСТОЗИНИНГ МУНОСИБ ШОГИРДИ

Жўяли фикрлари билан катталарни ҳам мот қиладиган Жамшидбекка омад тилаб, жиззахлик ёшлар орасида ўзгача ўрни бор тенгдошимизнинг фикрларига қулоқ тутдик. "Дадажоним ошпазлар. Доимо эл хизматида бўлиб, дуо оладилар. Менга ҳам дуо олмоқлик энг яхши ҳислат деб уқтирадилар. Шунинг учун ҳам бобо-момоларимизнинг дуоларини ёзган мақолаларимда акс эттиришга ҳаракат қиламан. Келажакда қалами ўткир журналист бўлмоқчиман", — дейди ҳар соҳадан бир шингил истеъдоди бор Давронжон. Жиззахнинг йигитлари мард, бир сўзли, Зомин тоғлари каби келбатли бўлади. Қаҳрамонимиз ҳам ана шундай ҳислатлар эгаси бўлиш билан бирга, ташаббускор ва кўплаб танловларда совриндор бўлган. Шу кунга қадар 10 га яқин иншолар танловида совриндор бўлган Жиззахнинг шижоат бобида жавоҳири ҳисобланмиш тенгдошимиз "Аъло таътил", "Сардорлар анжумани", "Энг намунали ўқувчи" сингари танлов ва лойиҳаларда ғолиб бўлган. Жиззахда

Даврондек довурак, тиришқоқ ёшлар сафи янада кўпайишни хошлаймиз.

АНДИЖОНДАН ТОШКЕНТ САРИ

Жиззахнинг сомсаси машҳур бўлгани каби Андижон паловининг ҳам донги кетган. Бобур юрти ҳисобланган бу шаҳарнинг ҳам ёшлари ҳеч қайси воҳадага тенгдошларидан қолишмайдиган заковатга эга. Андижоннинг Қўрғонтепа тумани ўз хунармандлари, миришкор деҳқонлари



билан машҳур. Бироқ бу тумандаги бир қизалоқ тез-тез "Mening yurtim" телеканалда кўриниб туриб, машҳурликда хунарманд амикларига тенглашиб қолди. Англаганингиздек, қаҳрамонимиз Хумора Муҳаммаджонова мактаббининг энг олди ўқувчиси, аълочилар сардори ҳисобланади. Жорий йилги ёзги таътил вақтида бу андижонлик қиз юрак ютиб, Тошкент томон йўл олди. Ҳали мактаб ўқувчиси бўла туриб, катта шаҳарда нима қилади, деб ўйласангиз, у қариндошлариникига дам олишга эмас, ўқишга борди. "Mening yurtim" телеканали ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда Миробод туманида Амирхон Умаров директорлигида очилган "Ёш журналистлар" мактаббининг имтиҳонларида қатнашди. Имтиҳондан аъло даражада ўтиб, уч ой мобайнида тележурналистика бўйича махсус билимлар эгасига айланди. Унга телеканал томонидан махсус тавсиянома берилиб, эндиликда бемалол Андижон вилоят телерадиокомпаниясида муаллифлик кўрсатувини ташкил этса бўлади. Ўзбекистондаги энг зўр тележурналист бўлишни мақсад қилган Хуморанингни ниятлари жуда кўп. Фикрлари теран, сўз бойлиги кенг. Биз эса ана шундай тиришқоқ андижонлик тенгдошимизнинг бамаъни кўрсатувларини тезроқ зангори экран орқали кўришни хошлаймиз.

Мамлакатимиз истеъдодли ва иқтидорлилар юрти. Айни дамда Самарқанд, Андижон, Фарғона, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги энг фаол ёшлар ҳақида ҳикоя қилдик. Ниятимиз эса мамлакатимизда истеъдодли ёшлар кундан-кунга кўпайиб бораверсин.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОВЕВ,
Сирдарё вилояти Мирзабод туманидаги
15-мактабнинг 11-синф ўқувчиси



"Йил сардори" танловининг Республика босқичида ғолиб бўлди. Фан олимпиадаларидаги ютуқлари ҳам талайгина. Турли фанлардан вилоят босқичи ғолиби бўлган. Энг асосийси, инглиз, рус тилларида бемалол мулоқот қила олади. Мактабдошлари эса унга "Мактабимизнинг профессори" деган ном қўйишган. Ахир, 16 ёшида халқаро журналларда Ўзбекистон номидан ўз сўзи билан чиқаётган ўқувчини келгусида профессор бўлишига ким ҳам ишонмайди, дейсиз.

КЕЛАЖАКНИНГ ЗУЛФИЯСИ ФАРҒОНАЛИК ЭКАН

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 21-сонли мактабнинг 10-синф ўқувчиси Муштарий Бобохонова тинимсиз ижод қилаётган, адабиёт билан бирга чет тилларининг сирларини ўрганаётган тиришқоқ ўқувчи. Уни маҳалладошлари кўрганда "Раиснинг қизи", дея эркалашади. "Қулибек" маҳалласининг раиси Бобохон ака эса ҳақиқатан ҳам кенжа қизининг тарбиясига жиддий қарайди. Шунинг учун

BIR KUN KELADI-KI...

Мен миллатчи эмасман. Аммо ўзбек миллатига мансуб фуқаро сифатида ўзбеклигимдан фахрланаман. Бошқа миллатларни бир-биридан камситмаган ҳолда, қаердаки ўзбекининг гурурига, шаънига номуносиб гап-сўз бўлса, жим туролмайман. Бу фақатгина ўзимни ва ўзимизникиларни севишимдан эмас, балки ҳурматим, меҳр-муҳаббатим баландлигидан, ўзбекининг бир томири бўлиб ор-номусимни асраб-авайлаш бурчим эканлигидандир.

Ўтган ҳафта, аниқроғи, 22 октябрь куни Россиянинг ОРТ-1 телеканалдан навбатдаги «На самом деле» деган кўрсатувга кўзим тушиб қолди. Аввалига эътибор бермадим. Кейин қулоғимга «Ўзбекистан», «ўзбек» деган сўзлар чалингандан сўнг астойдил томоша қила бошладим...

Баҳс, мунозара, танқид руҳидаги бу кўрсатувда бошловчи, 200 чоғли томошабин, бир неча эксперт, мавзуга доир мутахассислар, депутатлар бир муҳим муаммони ҳал этиш учун тўпланишган эди. Муҳим масаланинг «қаҳрамонлари»



ахлоқи-я! Жувоннинг отаси тенги жазмани Николай қиз билан яқинлигини рад этишда давом этар экан, бошқа гумондорни ҳам саҳнага таклиф этишди. У ҳам тан олмади. Бундан «хафа бўлаётган», даъвоси исботланмаётган Малика Ниязованинг улама киприклари орасидан кўз ёшлари шашқатор оқди. Ҳолатни кузатаётиб: «Бу кунингдан ўлганинг минг марта яхши!!!» – деб юборасиз.

Айтишларича, яхудийлар бутун дунё бўйича тарқалган ҳалқ экан. Эндилқда биз – ўзбеклар ҳам улардан

аксарият ҳолларда афданиб қолишлари қондош, юртдош сифатида барчамизга алам қилмайдими?

Ҳамкасбларимиздан бири яқинда Наманган шаҳар маҳаллаларидан бирида бўлган ғайриоддий воқеани айтиб берди. Уни эшитган ҳар қандай одамнинг газабдан теппа сочи тикка бўлиши табиий. Камхарж, кам таъминланган хонадоннинг уч фарзандли бекаси эрининг укувсизлиги, бемалолхўжалигидан қийналиб, ўзини бозорга урди. Аввалига майда-чуйда нарсалар билан сав-

ҳам улгургани...

Хотинининг бир ўзини «ишониб» чет элга ишга юборган эркак кимдан қандай қилиб ўч олишни билолмай қолди. Хўш, ушбу вазиятни юзага келтиришда унинг айби йўқмиди? Афсуски, ҳозиргилар ота-боболаримизнинг: «Ҳақиқ-никоҳли эр-хотинлар бесабаб бир кеча-кундуз бир-биридан узоқлашса - қирқ кунлик меҳри кетади» деган ақидани унутдилар. Қонунни ҳам, шариатни ҳам оёқ ости қилган Ҳалимага ўшшаганларга бир кун келиб жазо берилаётганда уларнинг расмий ва шаръий жуфту ҳалолларига ҳам одил суд ҳукми ўқилса, ажаб эмас. Бунда оталар, ака-инилар ҳам маълум маънода жавобгар бўлсалар ҳаққоний иш бўлар эди.

Эҳтимол, ён-атрофда шундай хунук ҳоллар содир бўлаётганидан жума намозларида имом-хатиблар «Туркияга ишга кетган аёлларингизни келгач, қайтадан никоҳлатиб олингизлар!», – дейишаётгандир...

Айрим ношукурлар яхши иш ўринлари йўқлигини, маошлар эзлигини, нарх-наволар қимматлигини айтиб нолишдан



эса ўртада – ҳаммининг диққат марказида. Бири соч-соқоли ўсган, паҳлавон келбатли, лўли миллатига мансуб, қандайдир бадий гуруҳ раҳбари 61 ёшли Николай исмли (фамилиясини англолмадим) шахс, иккинчиси қорақўз, қорасоч, кўҳликкина 32 ёшли аёл. У – ўзбек миллатига мансуб Малика Ниязова экан. Орқадаги кенг ҳажмли видеода эса уч-тўрт яшар ширингина қизалоқнинг ҳар хил жойдаги тасвирлари акс этиб турибди.

Муҳокама қилинаётган масала эса... ўта шармандали, ҳар қандай аёл зоти учун иснод бўладиган. Яъни, пардалироқ қилиб айтадиган бўлсак... экрандаги қизча Маликанинг фарзанди бўлиб, у кимнинг зуриёди эканлигини ўтирганлар аниқлашаётган экан...

Малика Москвада яшайди. У Николай раҳбарлигидаги рақс гуруҳида ишлайди. Тунги клубларда, ресторанларда ярим яланғоч ўйинга тушиш – унинг касби. Келишган қадди қомати, антиқа арабий рақслари орқали ишлаб пул топади. Малика студияда бемаврид тугилган фарзанднинг отаси лўли раҳбари Николай эканлигини даъво қилмоқда. Николай эса тан олишни истамайди, шу боис аёл телевидениега мурожаат қилган шекилли...

Даъвогарнинг ва рад этувчининг ҳам қўл бармоқларига ғалати асбоблар ўрнатилгани, саволларга улар рост ёки ёлғон жавоб бераётганларини аниқлаб беради.

Дунёни бозорга ўхшатадилар. Энди шу бозорда аёл билан эркак ўртасидаги ўта нозик, беҳад уятли муносабатлар ҳам чиқ-ошқора муҳокама этилмоқда эди. Бунинг устига шарм-ҳаёда борлиқ аёл зотиға ибрат бўладиган ўзбек аёлининг

қолишмайдиган бўлдиқ. Ер кўррасида ўзбекининг қадами етмаган мамлакат қолмади-ёв. Майли, хорижга илм излаб ўқиш учун ёки малакали мутахассис сифатида креслода ўтириб ишлаш учун борса – бош устига. Давлат ҳимоясида сердаромад ишга ёлланма ишчи ёки савдо-тижорат мақсадида юрганларга ҳам майли, чидаса бўлар. Аммо тулпа-тузук қиз-жувонларнинг уй хизматкори, энага, қари беморларни парваришловчилар бўлиб кетаётгани жуда ҳақоратлидир. Қарангки, ўзбек аёли бола-чақасини, эрини, қайнонасини ташлаб, пул учун аллақайдаги бегоналарнинг исқиртларини тозалаш, тувагини тўқиши – «ҳазм» қилиб бўлмайдиган ҳолат. Бу қора меҳнатларнинг тағидида пасткашлиқлар, алдовлар – уларнинг ўзларига аён. Бугун топган 400-500 долларлари бир кун келиб фарзандларига кўрсатолмаган меҳр-муҳаббати, беролмаган тарбияси, онасидан ололмаган дуолари ўрнини қоплай олармикан?

Меҳнатнинг айби йўқ. Лекин гап – тирикчилик муддаосидаги меҳнат орқасидан келадиган даромаднинг ҳалоллигида. Кореяга эрга тегишга ҳавасманд қизларимиз мавзуси бир қадар эскиргандек. Бу ҳолга ё биз кўнқидик ёки у аввалгидек оммавий эмас. Аммо оилали, бола-чақали ёш аёлларимизнинг Туркия, Қозоғистон, Россия, Дубайларга ишлагани бориши,

“
Муҳокама қилинаётган масала эса... ўта шармандали, ҳар қандай аёл зоти учун иснод бўладиган. Яъни, пардалироқ қилиб айтадиган бўлсак... экрандаги қизча Маликанинг фарзанди бўлиб, у кимнинг зуриёди эканлигини ўтирганлар аниқлашаётган экан...”

до қилиб юрди. Ҳартугул кўчадан нон пули топадиган бўлди. Аммо савдо, бозор уни ҳар хил феъл-атворли одамлар билан яқинлаштирди. Кимлардир унга «устозлик» қилди, кимдир тўғри йўл кўрсатди. Лекин, барибир, бу ерда топганлари эҳтиёжларини қондирмади. Уч боланинг камчиликлари эса кун сайин катталашиб борарди. Охири Туркияга қатнайдиган бир аёл билан танишиб, уч болани эрининг тарбиясига топшириб, хорижга отланади.

Катта шаҳардаги бир бой одамниқда уй хизматчиси бўлиб ишга ёлланган аёл уч йилнинг қандай ўтганини билмай қолди. Тўғри, у эрига ойига пул жўнатиб турди. Уч боланинг, рўзгорининг кам-кўсти унинг ҳисобидан бутланди. Лекин «Кўздан нари – меҳрдан нари» деганларидек, улкан шаҳарнинг талатўплари, бутунлай бошқача турмуш тарзидаги ҳаёт уни тамоман ўзгартириб, ўзига огдириб юборди. Нафақат ташқи қиёфасини, бутун фикру ёдини, қарашларини ҳам. Кўз очиб кўрган жуфту ҳалолнинг, уч жуфт қорақўзларининг соғинчи ортиқ унинг бағрини ўртамай қўйди. Энди у эрига мўлтираб қараб турадиган, борига – сабр, йўғиға – шукур қиладиган аввалги Ҳалима эмас эди.

Уч йиллик хориж сафаридан қайтган Ҳалима бу ердагиларга, оиласидегиларга бегонага айланганди. Чет элда бошқа биров билан норасмий, ношаръий турмуш қуриб, ҳатто битта болали бўлишга

тўхтамайдилар. Аммо хунарли, меҳнатта эгилган одам хор бўлмаслигини, тинимсиз тўйлар-тўкинчиликлар бўлаётганини, ясан-тусан, ҳю ҳаваслар зўрраётганини «кўрмайдилар». Бу йилги ёз мавсумида оддий бир уста кунига 120-150 минг, ёрдамчиси – мардикор 80-100 мингдан ишлаганини билишмайди. Булар – кичкина пул эмас, ахир.

Ўтган йили таниш бир киши шахсий молхонасида ишлаш учун одам қидирди. Ойига 700-900 минг сўм маош, оиласи билан бўлса яна ҳам яхши. Кунига уч маҳал озиқ-овқат таъминоти билан. Маҳалладаги эрта-кеч тўртта-бешта бўлиб, ариққа туфлаб бекор ўтириб, сафсата сотадиғанлар кўнмади. Аспида ўшалар Россияга ё Қозоғистонга бориб, энг хароб ва огир ишни қилишга ҳам рози одамлар эди.

Мен бир нарсани жуда-жуда орзу қиламан. Бугун юксалаётган мамлакатимиздаги корхоналарга яқин келажақда шароитлар зўрлигидан, маошлар кўплигидан америкаликлар, японлар, корейлар келиб ишлашса. Бир кун келадики, ҳамма оилалар бой-бадавлат бўлса, хонадонларда русийзабон, инглиз, немис тилларини биладиган маданиятлы, ҳалол энагалар, уй хизматчилари сўзингизга мунтазир бўлиб турса... Уша бир кун келадики, бизнинг опа-сингилларимиз, қизларимиз Туркияга, Россияга, Дубайга, Кореяга ишлаб пул топиш учун эмас, аксинча, фақат сайру сەҳаёт учун бозорлар. Бир кун келадики, шарм-ҳаё, уят ва андиша, ор-номус барча-барча хотин-қизларимиз учун бошларидаги олмос тожга айлиниб, ўз нури, жилоси билан бутун дунёни мунаввар айлайди. Мен шундай кунни кўтиб яшайман...

Рисликхон МАЖНУНОВА

oilavajamiat@mail.ru

Йўқ, мен ошхонада овқатланиб ўтирган эркаклар ҳақида гапирмоқчи эмасман. Ошпазлик касби ўз йўлига – ошхонада овқат пишираётган эркаклар ҳам бу мавзудан ташқарида. Эсингизда бўлса, “Абдуллажон” миллий кинофильмида ота-боланинг қалбаки пулларни ўчоққа ёққан саҳнаси бор. Ўшанда уларни кўриб қолган аёл – Абдуллажоннинг “онаси” нима дейди? “Ҳаа, балли! Нима қилиб ўралашиб юрибсиз, эркак киши ошхонада?!” деб айтади у ярим ажабланиш, ярим киноя билан. Бугун мен ҳам сизларга айнан шундай эркаклар, яъни ошхонада ўралашиб юрган эркаклар ҳақида сўз айтмоқчиман.

Ҳар кимнинг ўз ахборот қабул қилиш эҳтиёжи бор, ҳар кимнинг ўз диди, қизиқишлари бўлади. Шунингдек, бўш вақтидан турли одам турлича фойдаланиши сир эмас. Бунда бировни айблаш, оғзаки айблаган билан жиддий жазога тортиш деган нарсаси йўқ. Шу туфайли кўпчилик одамлар бўш вақтини тўлдириб учун телеэкранни танлаган бир пайтда, камина телевизор томошасига чоғланган пайтларим кам бўлади. Нима қиламан асабимни бузиб... У каналга қўйсам сериал, бу каналга қўйсам сериал, бошқа бирига қўйсам эса “Уйдаги гап” деган телекўрсатув намойиши... Уйдаги гап ўз номи билан уйдаги гап-ку, уни кенг омма олдига олиб чиқиш шартмикин, дейман руҳим чўкиб. Ахир онахонларимизнинг бўйи етаётган қизларга уйдаги гапни кўчага олиб чиқмаслик шартлиги тўғрисидаги насиҳатлари қаёққа кетади? Бундай телекўрсатувларнинг олий ҳаками, фикр билдирувчи экспертлари ҳали ҳаётнинг аччиқ-



чучугини тотишга улгурмаган, гап-сўзларидан ҳаётга нисбатан енгил-елли қараш сезилиб турувчи ёш “шоу-бизнес” вакиллари эканини кўрганимда эса кулишимниям, йиғлашимниям билмай ғалати кайфият-

майман, бу иборани агар бирор аёл ёки кампир айтган бўлганида мен парво қилмай чиқиб кетган, умуман олганда эъти-

OSHXONADAGI ERKAKLAR

yoхud televideniya hayotiga bir nazar

га тушаман... Яқинда мен беихтиёр томоша қилиб таъбим тирриқ торган ана шундай телекўрсатувлардан бири қайнона-келин ўртасидаги бўлди.

“Келин ҳам чакки эмас!”

Ҳа, телевизор қўйилган хонага юмуш билан кирган эдим, айнан шу иборани “Келин ҳам чакки эмас!” деган иборани эшитиб тўхтаб қолдим. Яшир-

бор бермаган бўлардим. Лекин бироз ғалати-да! Мўйлови шопдай эркак юзини телевизорнинг қоқ экранига тутса-ю, илжайиб туриб “Келин ҳам чакки эмаас, хум!..” деса. Бу одамнинг қизиқиши Ботир Муҳаммадхўжаев эканини таниганимдан сўнг аввалига бу бирор кино бўлса керак деб ўйлаган эдим, йўқ, юқорида айтганимдай – қайнона-келинга овқат тайёрлаш

борасида баҳс бойлатадиган кўрсатув бўлиб чиқди... Балки сиз: майли, қайнона-келин овқат тайёрлар экан, шунга ҳам ота гўри қозихонами, дерсиз? Сизни билмадим, бироқ менга ошхонада овқат тайёрлаётган икки аёлнинг ўртасига эркак кишининг туриб олиб гап қўшиши жуда бачкана туюлади.


Ахир тасаввур қиялпсизми – кенг ошхонада иккита стол. Бирида қайнона овқат тайёрлапти, бирида келин. Ботир Муҳаммадхўжаев эса келиб гоҳ қайнонанинг қабатига суқилади, гоҳ келиннинг. Оилавий ҳаёт, бошқа иқир-чиқирлардан гап сўраб, камерага қараб сирли илжайиб қўяди...

Очиғи, айна вақт мен биргина шу “Бирга бир” телекўрсатуви ҳақида сўз юритиб, гапни чўзмоқчи эмасман. Аҳён-аҳёнда кўзим тушадиган худди шунга ўхшаш бошқа телекўрсатувларни мисол тариқасида санаш учун эса уларнинг номидан бехабарман.

Аммо ўйлайманки, қайси доирадаги телекўрсатувлар ҳақида гапирётганимни сиз билдингиз. Кўлимни бизгиз қилиб кимларни кўрсатаётганимни сиз танидингиз. Мен эса мақоламга танлаган муаммойимни асослаш учун ҳолбуки миллий кинофильм воқеасидан сўз бошлаган эканман, сўзимни шу тариқа тугатмоқчиман. Яна бир эслаб кўринг-а, “Бозор кўрмаган йигит” кинофильмида ўзи учун совчиликка келган йигит газета сотадиган дўконда ўтириб қўлини совуқ сувга урмасдан пул топишини айтиб мақтанганда ота бўлмиш нима дейди? Сўзма сўз айтолмаётган бўлсам ҳам, у тахминан, “Дўконингиз тўғрисида бели майишиб темир йўл ётқизаётган аёлларни ҳам кўрасизми?” – дея сўрайди йигитдан. – Ўша аёллар нима учун бели майишиб ишлаётганини ҳам биласизми? Улар аслида бажариши керак бўлган ишларни сизга ўхшаганлар қилаётгани учун...” Хулоса ўзингиздан.

Байрам АЛИ

VOY-DOD ...



Тунов куни кўшнимиз Дилбар опанинг уйига тез ёрдам машинаси келганини кўриб қўрқиб кетдим. Маълум бўлишича, қон босими кўтарилган экан. Келини Азизанинг айтишига қараганда, набиралари билан телевизорда “Алдама мени” кўрсатувини кўраётиб, тўсатдан қон босими ошган.

Бу нима деган гап энди, биз ойнаи жаҳон орқали маданий хордиқ оламиз, маънавият улашадиган дастурлар томоша қиламиз деган умид билан телевизор пуьтини қўлимизга олсаг, аҳвол бу бўлса... “Milliy” ва “Zo” tv телеканалларида ҳар ҳафта эфирга узатилаётган “Вой-дод караоке” ва “Алдама мени” кўрсатувлари (буларни нима деб айтишга ҳам ҳайронман ток-шоуми ёки

бошқа нарсами билолмадим)нинг асосий мақсад-муддаосини ҳеч тушуниб етолмадим. Бу дастурлар инсонлар ва жонзотлар орасидаги муносабатни “мустаҳкамла”моқчимиз, шунчаки олди-қочди гаплар билан одамларнинг бошини оғритмоқчимиз, қўшиқ айтишни эплаган-эпламаганларни дастурга қатнаштириб нимани исботламоқчи...? Ёки шоу бизнес вакиллари орасидаги майда-чуйда гапларни кўпайтириб, улар ўртасига нифоқ солмоқчимиз?! Ушбу дастурларнинг асосий томошабинлари ёшлар, умуман телевизор қаршисига келмайдиган йигит-қизлар мана шундай мантисиз дастурларни томоша қилиш учун вақт сарфлашади, ваҳоланки, бундай кўрсатувлардан бирор нима олиш у ёқда турсин, маълум хулоса

чиқаришнинг иложи йўқ.

Кўрсатувнинг мақсади реклама(ми?)

Тўғри, бугунги кунда хусусий телеканалларнинг томошабини кўп, шу жумладан хомийлари ҳам. “Zo” tv телеканалда эфирга узатилиб келинаётган “Алдама мени” кўрсатувининг ҳам асосий мақсади реклама бўлса керак деган ҳаёлга бориш мумкин. Ярим соатлик теледастурда бир нечта хомийлар рекламаси кетади, ҳаттоки бошловчининг кийиниши ҳам айтиб ўтилгани қизиқ... Кўрсатув эфирга олиниш жараёнида тик оёқда турган томошабинлар мана шу бошловчининг кийиниши-ю, ҳашаротлардан қўрқиб дод солган санъаткорларнинг овозини эшитгани келишганми ҳайронман.

Меҳмон сифатида таклиф қилинган санъаткорга берилаётган саволлар савиясини журналист сифатида паст баҳолаган бўлардим. Оиласи бор эркак ёки аёлни биринчи муҳаббати ҳақида гапиришга мажбурласа, қайси шоу-бизнесс вакили билан муносабатлари яхши эмаслигини ёки қайси санъаткорларнинг ижодини паст баҳолашини сўраб жанжал устига жанжал чиқаришнинг нима кераги бор?!

Каламушлар билан қўшиқ куйласа...

“Вой-дод караоке”, кўрсатувнинг номини эшитиб, лабини бурганлар анчагина эди. Кўрсатув эфирга узатила бошлагач эса “шу ҳам кўрсатув бўлибди-ю” қабилдаги эътирозларни эшитдик. Телевидениеда истеъдодли ёшларни кашф қилишга бағишланган дастурлар кўп эди, энди буниси ошиб тушди... Каламуш, курт-кумурсклар, илон ва чаёнлар орасида қўшиқ куйлаш керак, муҳими ашула қўрқмасдан, кўнгилдагидек ижро этилсин! Қани бу ердаги маъно, қани дастурнинг мантиси? Кўрсатувнинг ҳамма босқичларидан ўтиб, ютқуни қўлга киритган иштирокчи “каламушлар орасида кўрқмасдан энг яхши қўшиқ куйлаган хофиз” деган унвон берилади. Ёки мақсад халққа танилиши? Хуллас, ушбу кўрсатув орқали ижодкорлар нима демоқчи эканини тушуниш мушкул. Одамларнинг қалбига нур, шуурига фикр улашиш ўрнига қўрқув ҳамда ваҳимага солиш бўйича айрим телеканаллар ижтимоий тармоқлардан ҳам ўтиб кетяпти-ёв. А, лаббай. Сиз нима дейсиз?

В. ҲАБИБУЛЛАЕВА

“GALAKTIKALIK BOLA”

yoхud nega bolalar adabiyotida ilmiy-fantastik asarlar kam yozilmoqda?

Саъдулло Куроновнинг “Галактикада бир кун” асарига нима учун қизиқиш қолганимизни биласизми? Чунки тинимсиз галактика ҳақидаги ҳикоялар айтадиган ўғлим Элшодбекнинг астрономия, физика, кимё борасидаги саволларига жавоб излашдан чарчаган эдим. Шу китобни қўлига тутқазган кунимдан бошлаб ўғлимнинг чеҳраси анчагина очилиб қолди. Китобга дастхат ёздириб олаётганимизда Саъдулло Куронов: “Она, ўғлингизни нега сизлаб гапирасиз, водийлик бўлганингиз учунми?” – деб сўраб қолди. “Фарзандинг сен жавобини билмайдиган саволларни бераверганидан кейин хижолат бўлиб сизлаб юборар экансан-да...” – дедим. Ҳа, бугунги кун боласининг меҳрини қозониш осон эмас. Ҳўш, унда ёзувчи коинотсевар бўлиб бораётган XXI асрнинг зукко болалари эътиборини қандай қилиб ўз асарига жалб эта олди? “Ушбу саволга жавоб топишни истасангиз, китоб тақдимида келинганлар”, – деди Саъдулло Куронов.

Шундай қилиб... Белгиланган кун “Галактикада бир кун” номли илмий-фантастик асар тақдимида иштирок этиш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ўғлим Элшодбек билан ошиқиб бордик. Яхшиям борганимиз, таниқли олимлар, шоирлар ва ёзувчиларнинг болалар адабиёти борасидаги эътиборга моллик мулоҳазаларини тингладик. Ва таассуротларимизни саралаб газетхонлар эътиборига ҳавола этишга аҳд қилдик.

ВАҚТДАН ЎЗИБ ЯШАЙДИГАН ЁЗУВЧИ

– Саъдулло Куронов ёш ёзувчиларимиздан, энг ёш фан докторларимиздан деб фахрланиб юрар эдим, – дейди адабиётшунос олим Қозокбой Йўлдошев. – Вақтдан ўзиб яшайдиган бу йигит нафақат илмий, балки бадиий салоҳияти билан ҳам мени ҳайратга солди. Фақат ўзимизнинг қобиғимиз билан чегараланиб қолмай ўзбек адабий ҳодисаларига жаҳоний кўз билан қарайдиган яхши тадқиқотчи десам, менга кўнгирок қилиб, илмий-фантастик асар ёздим, деб қолди... Тўғриси айтиш керак, кейинги йилларда болалар наصري оқсаб қолди. Биз ҳалиям Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг дарёсида сузиб юрибмиз. Ҳолбуки, бу устоз ёзувчимиз 60 йилдан бери ижод қилмоқда. Энди биз янги босқичга кўтарилишимиз керак эмасми? Боз устига ўзбек миллатининг қизиқиш доираси қўпинча “ошқозоннинг истаклари”, яъни гастронмик қизиқишлар билан чегараланиб қолмоқда. “Галактикада бир кун” деб номланган илмий-фантастик асарни ўқиб чиққач, билдимки, миллатимизга маърифий дард илашиб, ва ниҳоят, дунёни танимоқ ташвишига тушибди. Саъдулло Куронов бу асари орқали менинг кўз ўнгимда шунчаки илмий-фантастикага қизиққан ижодкор эмас, балки қўли келишиб қолган иқтидорли ёзувчи сифатида намоён бўлди. Аҳмадининг туши, тушдаги ўзаро олишувлар таъсирининг реалиги, 2036 йилда ҳам онанинг она сифатида, отанинг ота сифатида ўз ўрнида бўлиши, бола кўплаг муаммоларини отасига эмас, онасига айтиши каби ҳолатлар асарнинг ўзимизнинг миллий руҳда



битилганидан дарак беради.

Тасвир чуқурлашиб боргани сайин ёзувчи одамзот ривожланиши натижасида ўзини ўзи ҳалок қилмасмикан, одамзот юксалинман деб тубанликка кетиб қолмаяптимики, деган умум-башарий, кўпчиликни ўйлантирадиган масалаларни ҳам билинтиймай, сездирмай, яланғочлантирмай китобхонга айтиб кета олган. Айтиш мумкинки, Саъдулло Куронов Ҳожиакбар Шайховдан кейин тамомила тўхтаб қолган болалар адабиётининг илмий-фантастик асарлар қарвонини жилдира олган. Шунинг учун ёзувчини чин дилдан кутлайман.

Камчиликларга келсак, асарнинг тилини сал ишлов бериш мумкин эди. Мен ёзувчининг ўзига ҳам тилни индивидуаллаштириш, яъни бошқа сайёрадаги пакана одамларнинг бир-бирдан тили орқали фарқланиши кераклигини айтган эдим. Ҳамонки қўлга қалам олганидан кейин ижодкор ҳар бир тасвир, воқеа ишончли ва китобхонга қизиқарли бўлишини таъминлашга интилиши зарур. Кейинги асарларида ёзувчи бу каби мулоҳазаларимизни эътиборга олади, деган умиддаман.

“АКАДЕМНАШ” ДА ТУҒИЛГАН ҚАҲРАМОНЛАР

“Академнаш” нашриёти бош муҳаррири, таниқли ношир Санжар Назар сўзларига кўра, “Галактикада бир кун” асари тасодифан яратилган. “Жаҳжи академик” журналининг бош муҳаррири Саъдулло Куронов журналининг янги нашрини босмаҳонага топшириш жараёнида бир саҳифа муаллифи ишга келмай қолганлигидан ташвишга тушади. Ва бу саҳафани унинг ўзи тўлдиришга аҳд қилиб, кичик бир илмий-фантастик ҳикоя ёзади. Бўлим мудирни Феруза Назарова бу ҳикоя яхши ёзилганлигини, иложи бўлса, уни қиссага айлантирса болажонлар учун қизиқарли бир асар дунёга келишини айтиб, бош муҳаррирни ижод қилишга ундайди.

– Асарни ўқиётган чоғимда сочлари жингалак митти Санжар Назар қизғониб, рашк қилиб турганини сездим, – дейди Санжар Назар. – Ўзи болалигимдан фантастик асарларга ўчман. Биринчи марта Тихон Семухин деган ёзувчининг “Тоққа қочган Алитет” деган асарини ўқиб, ярим илмий, ярим бадиий асар билан тўқнаш келганимни эслайман. “Севан бўйлариди” деган китобни ҳам зўр қизиқиш билан мутолаа қилганман. Шунини айтиб ўтишим лозимки, бугунги ёш китобхон биздан кўра анча бахтли.

Чунки улар истаган китобларни топиш бугун жуда осонлашган. Қолаверса, “Галактикада бир кун” каби илмий-фантастик асарлар ёзилаётгани ҳам

улар учун ниҳоятда фойдали деб ўйлайман. Бу асар соф илмий маълумотлар билан бойитилганлиги сабабли ўқувчи бу китобни мутолаа қилгач, битта кўшимча фанни ўзлаштирган ўқувчи даражасига кўтарилади.

АҲМАДНИНГ КОИНОТГА САФАРИДАН СЎНГ...

– Ҳаёт ва хаёл

– булар болалар учун ёзилган асарларда қизиқарли сюжет, раво нутқ, бадиий восита орқали уйғунлашасига ўқувчиларда завқ уйғота олади, – дейди болалар шоираси Кавсар Турдиева. – Агар бу фаолият фантастик асар ёзишга қаратилган бўлса, унда ёзувчидан анча билим ва маҳорат талаб қилинади. Асарнинг бош қаҳрамони Аҳмад ёш ихтирочилар танловига ўзининг сайёраларо учувчи кема чизмасини тақдим этади. Ушбу танловда томошабинлар орасида кўзойнақ таққан пакана одам бор эди. У Салмир сайёрасидан келган Марго эди. Коинот қароқчиларининг қабих ишлари туфайли сўниб қолган салмирликлар сайёрасини жонланти-

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши аъзоси, шоир Дилшод Ражаб. – Айни замонамиз болаларида илмий-фантастик асарларга бўлган эҳтиёж ниҳоятда кучли эди. Ана шу эҳтиёжни, бўшлиқни тўлдиришга арзийдиган ёруғ бир китоб дунёга келганидан хурсандман. Устоз адибларимиздан бири: “Болалар адабиёти олтин пиллапоядир”, – дея кўп таъкидлар эди. Шу ўринда айтиш мумкинки, Саъдулло Куроновнинг бу асари илмга, адабиётга ташна болакайлари Галактикага олиб чиқадиган пиллапоя бўлибди.

Худойберди Тўхтабоев яратган Хошимжон образи орқали болалар агар билим бўлмаса инсонга сеҳрли қалпоқча ҳам ёрдам беролмаслигини англаб етишган. Саъдулло Куронов яратган Аҳмад образи эса ёш китобхонга илму маърифатга интилган инсон ҳар қандай вазиятларда ҳам йўл топа олишини кўрсатиб беради.

“ЭГИЗАКЛАР ПАРАДОКСИ” ЁКИ АЧЧИҚ ХУЛОСА

Бугун биз катталар кези келса, оддийгина телефон функцияларини тушуна олмай 6 яшар ўғлимиздан ёрдам сўраймиз. Замоннинг қанчалар ўзгариб, техник жиҳатдан юксалиб бораётганидан ҳайратланиб кўямиз. Ҳа, замон ҳар соҳада янгиликни, юксалишни талаб қилмоқда. Шукрим, болалар адабиётини ана шу талабларга жавоб берадиган бадиий асарларимиз ҳам яратила бошлади. Менинг бу мулоҳазаларимни мийғида қулиб эшитаётган ўғлим:



риш учун Аҳмад ва Марго “Кўккёзар” кемасини қуришади. Бу кема замондан замонга кўчиб ўта оладиган кемадир. Улар қароқчилар генерали Обма га қаршилик кўрсатишади.

Асарда болаларга таниш бўлган маиший ҳаёт кўринишлари мўъжизавий ҳолатлар уйғунлашади. Аҳмад Марғони ойиси пиширган пирог билан сийлайди. Ўзи билан фазога ёнғоқ ва туршаклар олиб келади. Дўстлари билан табиий маҳсулотларни ресторанга ўтказишади. Вақт тўнгундан ўтган Марго Исаак Ньютоннинг қариллик ва ёшлик даврини кўрса, Аҳмад Луврдан ўғирланган Мона Лиза портретини ўз эгаларига топшироқчи бўлади. Аҳмаддаги тиришқоқлик, билимдонлик, ватанпарварлик ва бошқа гўзал инсоний фазилатлар уни китобхон учун қадрли қаҳрамонга айлантиради.

БИЛИМИ ЗЎР МИНГНИ ЙИҚАР...

– Аввало болажонларни бу ажойиб асар билан табриклайман, – дейди

“Аяжон, “Галактикада бир кун” асарида вақтнинг нисбийлиги ҳақида тушунтирилган бир парадокс бор. Ҳасан Ҳусандан 10 дақиқа олдин туғилган, холос. Ҳусан илмга қизиқгани учун олим бўлиб ерда қолади. Ҳасан коинотга қизиқгани учун фазогир бўлади. У коинот бўйлаб опис сафарга чиқиб, ёруғлик тезлигида учadi. Ун йилдан сўнг ерга қайтиб келганида галати ҳолат рўй беради. Яъни бу пайтда Ҳусаннинг ёши 40 да, Ҳасанники эса 30 да бўлади. Буни олимлар “Эгизаклар парадокси” дейишади. Агар катталар тезроқ бизнинг “галактикамиз”ни, илм-фан ривожини биз билан бирга англаб боришмаса, яъни бугунгидаги асарлар тезроқ ёзилмаса, сизу биз ҳам “Эгизаклар парадокси” га ўхшаб бир-биримиздан фарқли одамларга айланб қоламиз”, – деди.

Менимча, бундан ортқ аччиқ ва тўғри хулоса бўлмаса керак бугунги мулоҳазаларимиз учун. Нима дедингиз, азиз мухлис!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА

Ўзбек томошабинининг сеvimли қахрамонига айланган машхур актёр Савелий Крамаров ҳаёт бўлганида 85 ёшга тўлган бўлар эди. Актёр иштирокидаги фильмлар рус киносининг олтин фондига киритилган. Фильмларини қайта-қайта кўришдан зерикмаймиз. Актёрнинг ҳар битта "қалтис" ҳаракати томошабонга ўзгача завқ беради. Чаққон ҳаракатларини илғмай қолишдан ҳадиксираб, экрандан кўз узмаймиз. Томдан ўзини ташлаб юборишдан кўрқиб, жон ҳовучлаб ўтираемиз. Элчининг бўйнидаги қимматбаҳо тақинчоқни ўмарган бўлишига қарамасдан, унга ўғридек қарамаймиз. Чин дилдан яхши кўраемиз.



1971-1975 йилгача бўлган даврни Савелий Крамаров кинематографиядаги олтин даврим, деб ҳисоблар эди. Машхур ролларидан бири "Омадли жентльменлар" фильмидаги Федя Ермаков (Гилай) ни ижро этганидан кейин 1972 йили ГИТИСнинг актёрлик факультетига ўқишга кирди. 1974 йилда эса "Хизмат кўрсатган артист" унвонига сазовор бўлди. Бу йилларда у энг яхши ролларини ижро этди. Улар орасида Пётр Тимохин

эди. Инглиз тилини билмас эди. Муҳожир ролида саҳнага чиқишнинг эса сираям иложи йўқ. Бироқ... Крамаров АҚШ киноактёрларининг Гильдиясига қабул қилинган ягона меҳмонга айланди. Голливуд юлдузлари билан суратга тушди. АҚШда Крамаров Лос-Анжелес штатида эски кадрдон Илья Баскиннинг уйига жойлашади ва у билан "Катта ўзгариш" фильмида суратга тушади. Актёр фаолиятини давом эттиришига шу фильм сабабчи бўлди. 1984 йили бир вақтнинг ўзига учта «Космическая одиссея 2010», «Остудившийся парень», «Москва на Гудзоне» фильмлари суратга тушди. Кейинги 10 йил ичида яна тўққизта фильмда иштирок этди. Савелий Крамаров 1992 ва 1994 йилларда "Кинотавр" кинофестивалида фахрий меҳмон сифатида икки марта ўз ватанига келди.

ШАХСИЙ ҲАЁТИ

Ёшлиғида актёр аёллар эътиборини тарта олмас эди. Битирув кечасида синфдоши Натальяни рақсга таклиф қилишга ҳаракат қилди. Наташа эса унинг эски костюми ва уринган туфлига қараб, намойишкорона юз ўгирди. 70 йилларга келиб актёр кўлида Фоль-

"QALTIS" HARAKATLI

"У, АЛБАТТА АКТЁР БЎЛАДИ!"

Савелий Крамаров 1934 йил 13 октябрда Москвада туғилган. Отаси, машхур адвокат Виктор Савельевич Крамаров. Савелий 4 ёшга тўлганида отаси "халқ душмани" айблови билан ҳибсга олинади ва озодликдан маҳрум этилади. Отасининг ўлимидан сўнг қайта оқлангунига қадар шу тамга билан актёр бир неча ўн йил яшади. Ониси Бенедикта (яқинлари уни Бася деб чақиришарди) хола қаергадир эди жойлашиб, иккита норасидасининг қорнини тўйдириш мақсадида ҳукм қилинган эр билан қонуний ажрашишга мажбур бўлди. Бася хола ҳақиқий яҳудий оналарга хос тарзда "ўғлим актёр бўлади" дея ҳаммани ишонтира олди. Катталар бир кўзида нуқсонни бор (гилай) болакайга ишонқирамай, бошқача туйғу билан қарашар эди. Бенедикта эса "Ҳа, у албатта актёр бўлади", дея такрорлар эди.

Ёшлик даври

Савик 16 ёшга тўлганида онаси саратон касалидан вафот этади. Бир йил ўтгач, қайта ҳибсга олинган отаси узоқ Туруханскда ўлимга маҳкум қилинади. Қариндошлари етимни ёлғиз ташлаб қўйишмади, ҳолидан хабар олиб туришди. Лекин она меҳрининг ўрнини боса олишмади. Мактабни битирганидан сўнг у театр институтига киришга уриниб кўрди, аммо қабул қилинмади, кейин қариндошларининг маслаҳати билан ўрмон муҳандислик институтига ҳужжатларини топширди. Олийгоҳни тамомлагач Крамаров ўрмончилик соҳасида ишлашга ҳам улгурди. Балки ҳозир ҳам шу касбда ишлаётган бўлар эди, агар бахтли тасодиф бўлмаганида.

ФАОЛИЯТИ

Кунларнинг бирида, уйга қайтаётиб, у ўзи яшайдиган мавзеда одамлар йиғилиб турганини кўрди. "Фильм суратга олиняпти" деди кимдир. Савелий қарашга қарор қилди. Танаффусда режиссёр ностандарт юзни кўрди. Камера "келганида", Крамаровнинг кўз қорачиқлари кенгайди, оғзи эса истаксиз равишда очилди. Шундай қилиб, Савелий Крамаров илк бора "Ховлимиз болалари" (Рябятя с нашего двора) фильмида безори Васка ролини ижро этди. "Дўстим Колька!" фильмидаги безори Пименов ролидан сўнг у актёр сифатида тан олина бошлади. Кейинчалик Крамаров бу ролини карьер-

Актыор



"Катта ўзгариш" фильмида, ихтирочи Прохор "Бу кулгили сайёра" фильмида, котиб Феофан "Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради" фильмида.

Крамаров режиссёрлар Гайдай ва Данелининг сеvimли актёри эди. У хизмат кўрсатган актёр унвонини олганидан сўнг шон шухрат денгизида сузди. Шикоят қилиш гуноҳ –ҳамма нарсаси бор.

ФИЛЬМЛАРДАН ФАМИЛИЯСИ ОЛИБ ТАШЛАНАДИ

1970 йилларнинг ўрталарида Крамаровнинг машхурлиги пасайиб кетди. Ва тўсатдан газетда актёрни танқид қилувчи мақола чоп этилади. Унга шундай айбловлар қўйилади. "Савелий, динга муккасидан кетган, ибодатхонага кўп боради. Яна йога билан ҳам шуғулланади. Амакиси Исроилга кўчиб кетди". Бир фуқаро учун бу жуда кўп айблов эди. Натижанда уч йил ичида битта ҳам фильмда суратга тушмади. Илгари ўйнаган фильмларидан ҳам фамилияси олиб ташланади.

Крамаров ишлаш имкониятини йўқотгач чет элга чиқиш ҳақида ўйлаб бошлади. Узоқ вақт давомида уни мамлакатдан чиқаришмади ва ўз соҳаси бўйича ишлашига ҳам рухсат берилмади. Агар шундай қилинса Крамаров иштирокидаги 42 та фильм "сандиқ"қа солиб қўйилиши керак эди.

АМЕРИКАДА 44 ТА КОМИК АКТЁР БОР, МЕН 45-БЎЛАМАН

1981 йилда актёр АҚШ президенти Рональд Рейганга мактуб ёзади. Мактубда у ўзидаги мураккаб вазият ҳақида тўхталиб, ёрдамга муҳтож эканлигини айтиди. Ушбу мактуб "Америка овози" радиостанцияси эфирда уч марта ўқиб эшиттирилади. 1981 йилнинг октябр ойига келиб, мамлакатдан чиқиб кетишига рухсат тегади. 1982 йилда актёр АҚШга кўчиб кетади. "Аҳмоқлар ҳамма жойда керак", дерди Крамаров ўз-ўзига. – Америкада 44 та комик актёр бор, мен 45- бўламан. 47 ёшда ҳаммасини нольдан бошлаш осон эмас

қсваген маркали автомашинасининг қалитини ўйнаганча тез-тез замонавий магазинлар олдида айланиб юрадиган бўлди. Бироқ, қизлар унга эътибор бермадилар, уни аҳмоқ деб ҳисоблашар эди.

Савелий Крамаров расман уч марта уйланди. Биринчи хотини Людмила билан олийгоҳда бирга ўқишган эди. Иккинчи хотини Мария Савелий билан 13 йил бирга яшади. 1986 йилда актёр Марина исмли аёлга уйланди ва 53 ёшида ота бўлди. Қизалоқни онасининг шарафига Бенедикта деб номлади.

КАСАЛЛИК

У соғлиғига жуда эътиборли эди, тўғриси айтганда 120 ёшга киришни режалаштирган. Умуман ичмаган, чекмаган. Мунтазам равишда сузиш билан шуғулланган. Ва хатто океан орти мамлакатларига тўғри овқатланиш учун озиқ-овқатга тўла чемодан билан уган.

1995 йилнинг январида Савелий Крамаров қорин оғриғи туфайли шифокорга мурожаат қилади. Текширишлар давомида унинг саратон касаллиғига чалинганлиги аниқланади. Кўзлар ва қулоқлар даҳшатли адолатсизликка ишонишдан бош тортидилар. Қандай қилиб?! Онасининг ўлимидан сўнг бутун ҳаёти давомида у саратондан оловдан кўрққандай кўрқар эди. У касал бўлмади. Ҳеч қандай дори ҳам ичмади. Нега энди, ҳаётининг янги бахтли босқичи бошланганида ҳамма нарса тугаши керак? 60 ёшда? Нима учун? Крамаров операцияга розилик берди. У ҳали ҳам ҳаммаси жойига тушишига ишонарди. Нимадир олиб ташланади...

Февраль ойида у операция қилинди ва химиятерапия ола бошлади. Асоратлар натижасида инсульт бошланди. Актёр кўриш ва гапирish қобилиятини йўқотди, фалаж бўлди. 1995 йилнинг 6 июнида Сан-Франциско шаҳридаги клиникада вафот этади.

Крамаров ҳеч қандай масҳарабоз эмас эди. Кулгили тасвирларни кенг очилганидан оғиз ёрдамда яратди. Кўзлари қулмади, балки лабларига қўшилиб қаҳқаҳа отди. Унинг юзи мўъжизавий ва шу билан бирга аҳмоқона эди. Томошабинлар кулгининг зўридан қорнини ушлаб қолиши учун Крамаров кадрда пайдо бўлишининг ўзи етарли эди.

Рус тилидан **Мадина АПЛАБЕРГАНОВА** таржимаси.

ерасидаги энг яхши рол деб атади. Бир нечта муваффақиятли роллар туфайли уни машхур режиссёрлар ижодий ҳамкорликка таклиф қила бошлашди. 70 йилларнинг бошларига келиб актёр 30 дан ортиқ фильмларда суратга тушди ва энг машхур комик актёрлардан бирига айланди.

AVTOULOVGGA CHIQQANIGA PUSHAYMON QILMANG

— Хайдовчи ўғлим, орқа эшикни очиб юбор, — бўғиқ овозда қичқирди орқа эшикдан тушишга шайланган отахон.

Йўловчининг гапини эшитмадимми, хайдовчи бекатда тўхтамади.

— Хой, эшитмадингми, нега бекатда тўхтамайсан?

— Аввалроқ тушингизни айтинг-да ахир, ота, — деди қулоғида симли телефон билан гаплашаётган хайдовчи.

— Айтмаса тўхтатмайсамни, ахир ҳар бир бекатда тўхтатишинг керак-ку!

— Тушадиган одам бўлмаса, тўхтаб нима қиламан?!

— Ё тавба, шунақасиям бўларкан-да! Вазифангни ҳалол бажармайсан-ми?

— Эҳ, ота, ҳозир ҳалол ишлайдиганнинг ўзи қолдими?...

Бизга эриш туюлаётган бу савол-жавоблар "ҳолва"си холос. Ҳар куни автобуслар салонларида бўлиб турадиган тортишувлар баъзида жанжал ёки ҳақоратлашга айланиб ҳам кетади.

Мушоҳадага чорловчи бундай ҳолатлар баъзан маданиятсизлик ва маънавиятсизликни ошқор этиб қўяди. Балки сиз "Автобус салонининг маданиятга қандай алоқаси бор?"- дерсиз?



эканлигини билиб олгач автосарой раҳбари қабулига кирдим ва бўлган воқеани унга айтиб бердим. Уз вазифасини суиистеъмол қилган хайдовчининг кўполлиги нафақат маҳаллий аҳолига, юртимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳларда ҳам миллатимиз шайнига нисбатан салбий фикр уйғотиши мумкинлигини айтганимдан сўнг раҳбар воқеани коғозга ёзиб беришимни сўради.

чиптачилар орасида инсофли, диёнатли, бошқаларни ҳурмат қиладиганлари бисёр. Аммо, эрталабки ёки кечки пайт кимўзарга пойга суриш, бир-бирининг йўлини тўсиш, кабинадан бошини чиқариб ўз йўналишидаги касбдоши билан бақирлаш йўловчиларнинг асабига тегиб, эътирозларга сабаб бўлади.

— Йигирма йилдан буён йўловчиларни манзилига соғ-саломат етказишдек масъулиятли касбда фаолият кўрсатиб келаман, — дейди 5-автосаройга қарашли Қўйлик — ТТЗ йўналишида қатновчи 110-автобус хайдовчиси Решат Қурбонов. — Илк иш фаолиятимни бошлаган йилларим менинг иш вақтимда бир йўловчи салон ичида қалқиб, йиқилган. Аммо жароҳат олмади. Ундан кечирим сўрадим ва иккинчи бора бу хатони такрорламадим.

Карвон кўп, ризки бўлак, дейдилар. Ҳозирги ёшлар қизиққонми, баъзан кимўзарга шошилишса, баъзан йўловчи ёки касбдоши билан йўл қизганиб тортишиб қолишади. Шунда уларга "шошилма, ахир сен бирор буюмни эмас, инсонларни манзилига етказишинг кераклигини унутма!" дея панд-насиҳат қиламан. Юнусобод 6-мавзе ва ТТЗ-Дўрмон йўналишида қатновчи 24-автобуснинг хайдовчиси Садриддин Тошмуродов, 4-автохизмат корхонасига қарашли ТТЗ-Қўйлик йўналиши 23-ISUZU хайдовчиси Улуғбек Тўлаганов билан кечган суҳбатимиз ҳам баъзи ёш хайдовчиларнинг қизиққонлиги, кўполлиги, шунингдек, йўловчилар орасида ҳам хайдовчи билан бекат бўлмаган жойда тўхтатишни талаб қилиш, йўлқира бермаслик, арзимаган қайтим устида талашиш ҳолатлари учраб туриши хайдовчининг иш унумига салбий таъсир қилишини таъкидлашди.

ХАЙДОВЧИ ОГОҲЛАНТИРИШ ОЛДИ

Эртаси куни менга кўнғироқ қилишди. Борсам, бақирок хайдовчи раҳбар хонасида ер чизиб ўтирган экан. Яхшигина дакки эшитган шекилли, мулоимлашиб қолибди. Айбдорлигини бўйнига олиб, мендан кечирим сўради. "Ишдан бўшатайми?" деди раҳбар, мен: "Йўқ, унинг ҳам бола-чақаси бор, огоҳлантириш берсангиз, кифоя", дедим-да, чиқиб кетдим.

Афсуски, баъзан йўловчилар орасида ҳам салонда "бозор" қилиб телефонда бақириб гаплашадиганлар борки, уйдаги сир-асрор, кимга қиз узатаётганию куёвининг топармонлигини мақтаб нафақат йўловчилар, хайдовчининг асабига тегадиганлар ҳам топилади. Чиптачининг эса ҳеч нарса билан иши йўқ, йўлқирани териб олса бўлгани.

Ёдимда, 15 йиллар илгари баъзи чиптачилар бўларди, бекатларни эълон қилиб боришдан ташқари, ёшларни катталарга жой беришга ҳам ундарди. Ёки бекатлар радиокарнай орқали эълон қилинарди. Ҳозир бунинг акси. Шаҳарга илк марта келган ёки кўчага кам чиқадиган, ёинки ногиронлиги бўлган кўзи ожиз, эшитиш тизими хаста кишиларнинг қайси бекатга тушишини билмай, адашиб юрганларини бир неча мартаба гувоҳи бўлганман.

САЛОН ИЧИГА ЙИҚИЛГАН ЙЎЛОВЧИ

Тан олиш керак, хайдовчилар ва



якши. Лекин уларнинг йўл ҳаракати қондаларига риоя этиши, касбий этикаси ва маданияти талаб даражасида деб бўлмайди. Жамоат транспорти хайдовчиларининг баъзилари бозорлар атрофида пиёдалар ўтиш жойида тўхтамаслиги ёки йўловчи талашиб бир-бири билан жанжаллашиши, ёинки чиптачиларнинг муомала маданиятидан дил ранжийди. Энг ёмони йўловчини "ўзиники" қилиш, автобус, маршрут такси ва дамасларнинг тинимсиз сигнали, чиптачиларнинг бекатдаги қақриқларининг гувоҳи бўлган хорижий меҳмону сайёҳлар қандай ҳолатга тушишини хаёлга келтирмасак ҳам бўлади.

Хуллас, бир хайдовчи ёки чиптачининг муомаласидан кўнғил кўтарилиб енгил тортсақ, яна бирининг арзимаган юз сўм устида йўловчи билан ҳақоратлашишгача бориб етишини кўриб, автоуловга чиққанига пушаймон ҳам ёйди киши. Яқинда бир танишим светофорнинг қизил ёниб тормоз босилгани туфайли автобус саломида тойиб йиқилган. Бир ой уйда гипсда ётган. Хайдовчи унга тузалиб оёққа тургунича сўт-қатиқ, творог ташиган.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун йўловчи ташувчи автобуслар режимга ва белгиланган оралик муддатга қараб аниқ юришлари, транспорт воеиталарида кўнғилсиз ҳолатлар юз бермаслиги, хайдовчилик маданияти, жамоат транспортдан фойдаланувчиларнинг имтиёзлари ҳақидаги маълумотлар, эълонларни бекат ва салонларда албатта осиб қўйишлари шарт.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Яна шуни айтиш жоизки, яқин ўтган даврларда жамоат транспортда ибратли ва хайрли имтиёзлар ҳам бор эди-ки, у келажагимиз бўлган болаларга берилган эди. Айна пайтда, соҳа мутасаддилари ўша имтиёзни яна тикласалар, ёш авлодга бўлган гамхўрликнинг яна бир намунаси бўлармиди?!

Аслида, жамоат транспорти ва йўловчилик маданияти асло икки-чир иш эмас. Балки турмуш тарзимиздаги муносабат маданияти, қолаверса, хорижлик меҳмонлару сайёҳлар эътиборидаги ойнадек кўзгу ҳамдир.

Қарс икки қўлдан чиқади. Афсуски, ушбу соҳада фаолият юритиб келаётган хайдовчилар, чипта сотувчи ходимлар ва таксимчиларда касбий масъулият, ўз ишига нисбатан фаоллик ва тартиб-интизомга одатлиниш каби илҳомий ҳолатлар кам кузатилмоқда. Бундай муаммо ва камчиликларни бартараф этишда, том маънода мазкур соҳага йўналтирилган ташкилот вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини амалга оширилса, албатта тизимда ўзгаришлар яққол кўзга ташланиши шубҳасиз.

Энг муҳими, жамоат транспортга ким чиқишдан қатъий назар, салонга чиққани билан йўловчига айланади. Уларни манзилларига соғ-саломат, осойишта етказиб бориш эса хайдовчининг вазифасидир.

Шундай экан, ҳар бир хайдовчи ўзи ва йўловчилар учун йўл қондаларига, хавфсизлик талабларига, муомала маданиятига ва одобига тўла риоя этишлари лозим. Эсдан чиқармаслик керакки, лоқайдлик, бепарволик салбий оқибат ва кўнғилсизликлар инсон саломатлигига зарар етказадиган омилларга сабаб бўлмасин!

Марям АҲМЕДОВА

oilavajamiyat@mail.ru



Nilufar Ahmedova:

“MATONAT VA BARDOSH — SUYANCHIM VA YO‘LDOSHIM”



Қаҳрамонимиз яқин инсонларининг қўлларидан тутиб, бағрига босиш имкониятидан маҳрум. Аммо қўлсиз бўлса-да, орзуларини маҳкам тутган буюк матонат соҳиби.

Нилуфар Аҳмедова 1998-йил Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Мадир қишлоғида оддий оилада туғилди.

— Болалигимда ўзимдаги камчиликни сезмасдим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ҳаттоки, ён-атрофимдагиларнинг менга нисбатан “ачиниш” нигоҳларини ҳам англамасдим. Катта бўлганим сари тенгдошларим қилаётган ишлар менинг қўлимдан келмаслигини тушуна бошладим. Биласизми, аслида дунёдаги барча меҳрибон зот — онажонларимиз фарзандларини соғлом ёки мажруҳ дея ажратмайди. Бу қисматни ич-ичидан ҳис қилсада юзага чиқаришга ўзида куч топса ҳам юрагининг туб-тубида сақлаб яшайди. Бундай волидалар учун фарзанди бенуқсон, иқтидорли эканлиги, ҳаётни севиши саъй-ҳаракатларидан билиниб туради. Онажоним ҳам мени барча болалардан ҳам ақлий жиҳатдан, ҳам жисмоний жиҳатдан кам бўлмаслигимни хоҳласа, тақдир ҳукмини ўзгартира олмаслиқ меҳрибон онамнинг қўлидан келмаслигини нигоҳларидан пайқаб олардим.

Ота-онасининг меҳрли нигоҳлари: “Катта бўлганимда комил инсон бўлиб, ҳали бизни ўзинг боқасан”, деган гаплари унга умид бағишларди. Нилуфар ўзи учун эмас, ота-онасининг меҳри учун ҳам яшаш кераклигини ҳис этди. Ҳар куни онасининг берган руҳий далдалари бир кун келиб “мўъжиза” содир бўлишига ишонгари оларди. Гўёки, мен ҳам барча сингари тўрт мучам соғлом бўлишини лаҳза сари сабрсизлик билан кутардим.

Ана шу катта орзу умидлар ила Нилуфар Аҳмедова улғая бошлади... Имконияти чекланганлиги сабаб уй шароитида таълим олди. Бу умр йўлларида инсон баъзида қоқилади, баъзан йўқилади ҳам. Лекин ҳаммиша ўзида ҳар қандай вазиятда куч топа олиши керак экан. Нилуфарнинг тақдирини яна бир синов кўтиб турарди. У 7-синфда ўқиётган пайтларида ота-онаси келишолмай ажрашди. Энди бу дард ҳам камлигига қарамай, ота меҳридан ҳам мосуво эди. Нилуфарни ҳар қанча кўнгли ўқисан бўлса-да, ҳар бир кунини оиласи қувонча тўлдирди бошлади. Опалари, укаси даврасида камчилиги ўзига сезилмасди. Уларнинг ғамхўрлиги

уни бошқалардан кам эмаслигини ҳис қилишига ёрдам берарди.

— Мактаб ва коллежда руҳлантирадиган сўзлар эшитмаганман, — дея ҳикоя қилади болалик даврларини ёдга олиб. — Лекин кўпчиликнинг нигоҳи мени орзуларимдан чекиниб, ҳар гал ортага қайтаришга ундарди. Коллежининг биринчи босқичида ўқиётганимда қўшнимиз Зулфия опа Паралимпия ассоциацияси борлигини ва шу ерда Шарофиддин Қаландаров кўнгили бўлиб сузиш спорти бўйича мураббийлик қилишини, мен ҳам у кишининг ёнига боришим лозимлигини айтди. Бу тақлифдан сўнг тезда Шарофиддин ака билан учрашдим. Улар менга ҳаётда ўз ўрнига эга бўлаётган имконияти чекланган инсонлар тақдири жамланган видео-роликни кўрсатди. Видео роликни томоша қилар эканман, ҳаётга бўлган ишончим, меҳрим, умидим қайта уйғона бошлади. Мураббийнинг “Ҳафтада 3 кун қатнаш, керакли нарсаларни олиб келасан, мана шунақа машғулотлар қиламиз, мана бунақа ғалабаларга эришасан, қарабсанки чемпионсан!...” деган сўзлари қалбимни ларзага келтирган. Устозим менга “қила оласанми? Қўлингдан келадими?” деб айтмади, бундай муносабат ва эътибор менга ўзимга бўлмаган ишонччи берди...

Машғулотлар у йўлагандан ҳам қийин эканини ҳис қила бошлади. Ўзи учун қулай бўлган “спена” усулини танлаб, маҳорат билан ўрганди. Машқлар анча қийин бўлса-да, мураббийнинг далдалари унга орзулари сари боришида қанот бўлди. Бир ой ичида вилоят бўйича мусобақага қатнашиб, 1-ўринни эгаллагани унинг ўзига бўлган ишончини янада оширди. Бир оз фурсат ўтиб Самарқанд вилоятида илк катта майдонда маҳоратини кўрсатиш фурсати келди.

Дастлаб уни бироз ҳаяжон босди сабаби, ундан ёши катта йигитлар билан беллашиши керак эди.

Инсон дунёга келар экан, тақдирига ғалаба, меҳнат, дард ва бахт ҳам ёзилади. Унга берилган мустаҳкам ирода ва сабр-бардоши ила навбатдаги мусобақада ҳам ғалабага эришиб, биринчи ўрин соҳибаси бўлиб, Ўзбекистон чемпиони деган номга лойиқ топилди. Энди уни яна олдинда катта бир синов кутмоқда эди.

Навбатдаги танлов Тошкент шаҳрида бўлиши керак, лекин бу сафар мураббийи унинг ёнида эмас. Шу боис Нилуфардан жуда катта меҳнат ва матонат талаб қилинади. Илк бор ёлғиз, умидсизликка тушаётганида мураббийи кўнгирақ қилиб, “фақат яхши нарсаларни ўйла, ғалабани қўлга киритмас экансан, унда нега бординг!” деган сўзлари яна бир карра унга шижоат берди. Эртасига мусобақа бошланиши арафасида ҳақамаларга ҳеч иккиланмасдан нафақат 50 метр балки, қўшимча 100 метр сузишини айтди. Хуллас, бу

журъат бесамар кетмади, бу гал 2 та олтин медаль соҳибасига айланди ва икки карра Ўзбекистон чемпиони деган номга муяссар бўлди. Бундай ғалабалар уни борган сари янада яшашга бўлган қизиқишини оширди. Ва ўз устида изланишини кучайтирди.

— Коллежда, кўчада ҳурматим ошадиган бўлди, энди кўпчилик менга ачиниш нигоҳи билан эмас, ҳавас билан қарашарди, — дейди Нилуфар мамнун қиёфада. — Мени эса фикрлашим, дунёқарашим кенгая бошлаганди. Коллежни битириб, олий таълим томон катта орзулар ила ҳаракат бошладим. Лекин уйда ўқиганим, фанлар қисқа ўтилгани боис имтиҳонлардан ўта олмадим. Аммо ҳечам тушкунликка тушмадим, чунки бу мени тақдирим эди. Ҳеч вақт ўтмай Мухтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан янгитдан ташкил қилган катта куч — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи менда келажакимга нисбатан катта умид уйғотди. Ҳақиқатан ҳам кези келса, баъзи давлат идоралари менинг ишлай олишимга шубҳа билан қараган пайтлари кўп бўлган.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти кенгаши Ёшлар маркази биноси барпо этилгач, Инклюзив таълим маркази ташкил қилинди. Инклюзив таълим алоҳида эҳтиёжли ва имконияти чекланган болалар ҳамда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишни мақсад қилиб олди. Ҳозирги кунда ана шундай болаларга ва ёшларга жамиятда ўз ўринларини топишларига ҳиссасини қўшаётганидан жуда бахтиёр у. Бу масканга келиб, ўзига ўхшаган ёшларнинг муаммоларига ечим излади ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил қилинган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” танловида “Алоҳида эҳтиёжли ёшларни касб-хунарга тайёрлаш ва меҳнат фаолиятига жалб қилишга кўмаклашиш” номли гўяси билан иштирок этди. 100 та энг яхши лойиҳалар қаторида унинг лойиҳаси ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Табиатан шўх бўлганлиги учунми, кундалик ҳаётда жуда кўп қизиқарли воқеалар содир бўлиб туради. Оиласи, дўстлари даврасида ўзини жуда ҳам энгил ҳис қилганлиги боис, кайфияти ҳам аъло бўлади. Кўпинча ўрганган нарсаларини атрофидаги ўзига ўхшаган инсонларга ўргатиб, уларни ҳам эришган ғалабалари сари олға бошлай олса ўзини бахтли ҳисоблайди.

Сўзимиз аввалида айтганимиздек, матонатнинг чеки-чегараси йўқ. Чегараларни инсоннинг ўзи қуриб олади. Мўъжизалар ҳар куни ҳаётимизда учраши мумкин. Унинг мўъжизалигини қалбимиз билан кўра олишингиз ҳам ўзингизга гоғлиқ, Нилуфар таъкидлаганидек, ҳаёт ҳар доим ҳам биз хоҳлагандек кечмайди, унинг ўз режалари бор. Сен бахтга ишонсанми? Сен муваффақиятга ишонсанми? Сен ҳаётда барча нарсга қодирсан. Сен бу сен эканлигингга ишоншинг керак. Сен такрорланмас эканлигингни исботлашинг шарт!

Чарос ДЎСТАТОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

Баъзан ҳаёт зарбалари, ташвишлари олдида ўзимизни ожиз ҳис қиламиз, баъзида эса тушкунлик ҳисси бизни чулғаб олади. Натижада ҳаётдан нолиб, дунёни адолатсизликда айблай бошлаймиз. Соғлом тана, бутун ақл, гўзал қиёфа билан ҳам тақдирдан норозилар қанча. Бундай кимсаларга Хоразмнинг Хонқа туманида туғилиб вояга етган Нилуфар Аҳмедованинг тақдири ибрат бўлса, не ажаб. Зеро, матонатга мисоллар фақат афсоналарда, қадим мозий қатнарида ёхуд эртақларда эмас, ёнгинамизда, биз билан замондош инсонлар сиймосида ҳам мавжуддир.

Матонат деганда нимани тушунамиз аслида. Қийинчиликларни сабот билан енгишимиз, оғир ҳасталиқларга бардош беришимиз, тинимсиз жисмоний ва руҳий азоб остида яшашимиз? Бу тушунча ҳар қандай қийинчилик, иложсизлик вазиятида ҳам ҳаётни, инсонларни сева олиш, уларга нисбатан соф муҳаббат туйғуси билан яшай олиш демакдир. Нилуфарнинг икки оёғи соппа-соғ бўлса ҳам, тақдир уни қўлсиз, бармоқларсиз дунёга йўллади. Қулиб турган юзларида ўзбекона латофат, кўзларида ҳаётга муҳаббат ва ишонч балқиб турган 21 ёшли бу қиз имконияти чекланган бўлишига қарамай, жуда катта муваффақиятларга эришмоқда.

Утган ҳафтада кўпчиликнинг диққат – эътибори куннинг энг долзарб мавзуси коррупцияга қаратилди. Коррупция туфайли Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори ишдан олингани тўғрисидаги хабар деярли барча ижтимоий тармоқларни оёққа турғазди.

– Оддий қоида: коррупция бор жойда тараққиёт бўлмайди. Энди бу порахўрлик олий таълим тизимида авж олса-чи? Биринчи навбатда, истеъдодли ёшлар талаба бўла олмайди, юртдан чиқиб кетиб қолади. Охир оқибатда мамлакатни, халқни саводсизлар, укувсизлар бошқара бошлайди. Яна ўғрилиқ, яна коррупция авж олади! – деб ёзда журналист Фозил Фарход Facebook ижтимоий тармоқдаги гуруҳида. Лобар Хайруллаева эса аввало, ислохотни ҳамма ўзидан бошласа, ҳеч ким пора бермасин, пора олмасин. Бировнинг ҳақидан, оллоҳдан кўрсин, дейди. Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими номидан кирувчи муҳлис коррупция жамият ривожланишининг энг катта тўсиғи, душмани. У бор экан ривожланиш бўлмайди, у бор экан келажагимиз порламайди, – дея фикр билдиради.

ТАНИШИНГИЗ БЎЛМАСА ИШИНГИЗ БИТМАЙДИ

Коррупция бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган иллат эканини мен тез у билан рўбарў бўлганимда ҳис этаман. Икки-уч йилдан буён мана шу ҳолатга қарши мамлакатимизда кураш олиб борилапти, бундан кейин ҳам олиб борилиши шарт. Бунга эса катта кор-

бу режа амалга ошмади. Аммо кўплаб мактабларда таниш-билишчилик қилиш учун мана шу амалга ошмаган янгилик ҳам қўл келди.

– Жиянимни биринчи синфга жойлаштириш учун синглим ўзи яшайдиган худуддаги мактабга олиб борибди, – дея ҳикоя қилади амалдор дугоналаримдан бири. – Қайта-қайта боришига қарамай, директор “жой йўқ” деб қайтариб юборибди. Мактабдаги котиба синглимни бир четга чақириб: “Опа, каттароқ танишингизни ўртага қўйсангиз, дарров ишингиз битади”, деб маслаҳат берибди. Мансабдор шахс эканлигим шу пайт жуда қўл келди. Синглимнинг илтимосига кўра, директор қабулига кирдим. Шу... шунақа ташкилотда раҳбар бўлиб ишлайман, хизмат бўлса тайёрман, деб ўзимни таништирдим. Директор мени илиқ қарши олди ва кўлимдаги ҳужжатларни олиб қолди. Қаран-га оддий фуқаро бир илтимос билан борса жой йўқ, деб баҳона қилишади, шу кичкинагина ишга ҳам мабодо “катта одам” эътибор қаратса, дарров битади, жой ҳам топилади.

ЙЎҚ БЎЛСА ИЗЛАЙМИЗ, СУРИШТИРИБ ТОПАМИЗ

Яна бир танишим коррупция билан



мен эса сизга деган мақол иш беради. Хуллас бир-бирига қариндош, истараси иссиқ, кўзи-кўзига тушса уяладиган танишлар макон қурган ташкилотдаги аҳволни кўз олдингизга келтириб кўраверинг. Шифохоналарда ҳам худди шундай аҳвол. Айниқса, халқ таълими соҳасида бу борада таниш-билишчилик жуда кучли. Айрим ўқитувчилар ўқувчиларни баҳолаётганда уларнинг билимига эмас, ота-онасининг мансабига қараб муомала қилишади. Ўқувчининг отаси ёки онаси амалдорми, демак, ўша бола ҳамма фанлардан “5” баҳо олиши шарт. Синфдошига нисбатан бўлаётган бундай муомала аτροφдаги ўқувчиларни ҳам таниш-билишчиликка эътибор қаратишга ўргатиши, табиий.

– “Майда” коррупция, асосан, шифохоналар, таълим муассасалари, солиқ идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда содир этилиб, юридик ва жисмоний шахсларга қонунда белгиланган талабларни четлаб ўтишга ёрдам беради, – дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими Диба Сафарова (манбаа Ўза.уз). – Аста-секин ушбу коррупция тури юқори даражадаги кенг миқёсли коррупциянинг янада хавфли шаклларига айланиб боради. Коррупциянинг ушбу тури мамлакатда коррупциянинг барча даражалари мавжудлигидан далолат беради. “Майда” коррупция қаерда ту-

KORRUPSIYA – JAMIYAT RIVOJLANISHINING ENG KATTA TO‘SIG‘I

рупцияларга йўл очиб бераётган майда коррупцияга мисолларимиз етарлича.

Жорий йилнинг август ойида Халқ таълими вазири томонидан доимий яшаш жойидан бошқа худуддаги мактабларга фарзданини беришни истовчи ота-оналар томонидан мактабга маблағ тўланишини жорий қилиш ҳақидаги таклифи тарқалди. Яхшики,

боғлиқ ҳолатга яқинда дуч келгани ҳақида сўзлаб берди.

Унинг водийда яшовчи жияни велосипеддан йиқилиб, ўнг кўлини синдириб олибди. Тумандаги травматолог-шифокор зудлик билан пойтахтга олиб бориб, операция қилдириш зарурлигини айтибди. Танишим жиянини шифохонага олиб борган, текширувдан ўтказгач,

шифохонага ётиш учун олдиндан 3 миллион сўм пул маблағни кассага тўлаш зарурлигини айтишибди. Болакайнинг отасида унча пул йўқ. Ноилож қолгач, у таниш-билишларидан ёрдам сўрашга мажбур бўлган. Ва “яхши инсонлар”нинг кўмаги билан болакай шифохонада бепул даволаниш учун ордери қўлга киритган.

Бу катта-катта коррупцияга йўл очиб берувчи майда коррупциянинг бир кўриниши. Таниш-билишчилик, ўртага одам қўйиб иш битириш каби иллатларга деярли барчамиз ўрганиб қолганмиз. Бирор жойга юмуш билан боришдан олдин энг аввало, ўша соҳада танишларимиз бормикан, деган саволга жавоб излаб кўрамиз. Йўқ бўлса излаймиз, суриштирамиз, топамиз. Бошқачасига йўл тутишга иложимиз ҳам йўқ. Чунки бусиз ишимиз битмайди.

НЕГА АЙНАН МАКТАБЛАРДА?

Бу ҳолат айниқса, мактабларда яққол кўзга ташланади. Чунки нафақага чиқишни режалаштираётган директор ўз ўрнига қизи, келини, жуда бўлмаса жиянини тайинлаб кетади. Энди уёғи сиз менга тегманг,

гаши ва йирик коррупция нимадан бошланиши чегараси ўртасида аниқ тўхтамлар мавжуд эмас. Йирик коррупцияга қаратилган эътибор “майда” коррупцияларга қарши курашни бир мунча пайсаитириши мумкин.

ЛОҚАЙДЛИК САБАБ БЎЛЯПТИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ботир Даминов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтида чоп этилган мақоласида жумладан шундай фикр билдиради: – Халқимизнинг том маънодаги адолат қарор топган жамиятда яшаши учун нафақат масъул идоралар, балки ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши зарур, деб ҳисоблайди. – Бунинг учун юртдошларимизда коррупцияга, умуман, ҳар қандай қонунбузарликка нисбатан мурасасизлик кайфияти шаклланиши талаб қилинади. Чунки қонунбузарликлар содир этилишига кўпинча одамлардаги лоқайдлик, айниқса, ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслик ҳам сабаб бўляпти. Барчанинг яқдиллиги, юрт тақдирига дахлдорликни ҳис этган ҳолда ҳамжихатликда иш олиб бориши иллатларнинг батамом барҳам топишига хизмат қилади. Бунга эришиш учун таълимда “тозалаш” бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, коррупция каби иллатни йўқотиш учун нафақат давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, балки ҳар биримиз бир ёқадан бош чиқариб, астойдил ишлашимиз зарур.

Нигора РАҲМОНОВА

Маълумот ўрнида:

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан кўрилган ишлар статистикасига мурожаат қиладиган бўлсак, 2016 йилда ушбу Кодекс 193¹-моддаси (Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиши) бўйича 13 та иш (30 нафар шахсларга нисбатан),

193²-моддаси- (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши) бўйича 89 та иш (112 нафар шахсга нисбатан) кўрилган.

2017 йилда эса 193¹-модда бўйича 19 та иш (19 нафар шахсларга нисбатан), 193²-модда бўйича 28 та иш (37 нафар шахсга нисбатан) кўрилган. 2018 йилда 193¹-моддаси бўйича 33 нафар шахсларга нисбатан 31 та иш кўрилган, 193²-моддаси бўйича 78 нафар шахсга нисбатан 73 та иш кўрилган.



ЭЪЛОН

Тошкент автомобил ва йўллар институти томонидан 1996 йил Хайдаров Эргаш Бойсунвичга берилган № 116538 серияли ДИПЛОМ йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

O'QITUVCHI VA O'QUVCHI O'RTASIDAGI "XITOVY DEVORI" ...

"ҚАЛБИНГА ҚУЛОҚ СОЛ"

...— Бўлмаса нега ўқишни хоҳламайди? — Васи́ла Назаровна қони қайнаб, Дилфузага ғазабнок тикилди. — Ўқишга мажбурсан.

Қиз ҳам ўйнаб турган сочини силтаб орқасига ташлади-ю, унинг кўзларига тик қаради.

— Била туриб нега ўзингизни гўлликка соласиз?

Ўқитувчилар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қараб қўйишди. Ўқувчи у ёқда турсин, ҳали биронта муаллим ҳам Васи́ла Назаровнага шунчалик кескин гапирмаган эди. Назарида педагоглар ўртасида, қолаверса бутун қишлоқда обрўси чилларчин бўлгандай туюлиб кетдию, сакраб ўрнидан турди.

— Ўзим билсам, ана отанг ҳам билиб қўйсин аҳмоқ! — У тортмани очиб, ўша хатни шарт олди-ю, ўқиб берди: "Жонимдан ортиқ кўраман", деган сўзларни айниқса, қаттиқ ўқиди. — Энди тушундингизми Ҳайитвой ака! Сиз узатишни хоҳламасангиз ҳам бу эрга тегишни хоҳлаб қолгандир! Бу ер — мактаб. Мен тарбиянинг бузилишига йўл қўймайман. Ўзини тийиб юрсин.

Ҳамма бир лаҳзалик жимликда музлаб қолди.

— Бу масалани синфдошлари ўртасида муҳокама қилсақ, ўртоқлари нима дейди? Ким қўйибди унга...

Васи́ла Назаровна гапини тугата олмади. Ҳайитвой сариқ учиб ўрнидан турдию, бора солиб қизини шундай тарсакилаб юбордики, хона жаранглаб кетди. Дилфузанинг боши вишелкага тегди.

Дилфуза чайқалиб чайқалиб, қаддини ростлади. Унинг бурнидан тиркираб қон оқар, Васи́ла Назаровнага тикилган кўзлари шишадай қотиб қолган эди.

— Жодугар!

Хонадагилар қизнинг ҳайқиригидан сесканиб кетишди. Йўқ, бу йиғи эмас, нидо ҳам эмас, аллақандай даҳшатли, этни сескантирувчи ваҳшиёна ҳайқирик эди...

Бу Ўткир Ҳошимовнинг "Қалбинга қулоқ сол" қиссасидан бир парча...

ТАНБЕҲНИНГ НОЎРИНИ БЎЛМАЙДИ, АММО...

Ҳар доим ўсмирлар ўртасида содир бўлаётган суикасд ҳақидаги маълумотга кўзим тушса юқоридаги қиссадаги воқеалар кўз ўнгимдан бир-бир ўтади. Шу йил 19 октябрь куни Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида 2004 йилда туғилган, тумандаги 7-сонли мактаб ўқувчиси ўз жонига қасд қилди ва бу баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Кейинги пайтларда мактаб ўқувчиларининг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари жуда кўп кузатилмоқда. Унинг сабабларидан бири эса катталар томонидан берилмаётган бергина ноўрин танбех, Аслида танбехнинг



но ў р и н и бўлмайди. Аммо ноўрин жойда ва ноўрин пайт айтилган танбех ҳар қандай одамнинг иззат нафсига тегиши табиий...

Қашқадарёда содир бўлган воқеада маълум бўлишича, боланинг телефонидан беҳаё видеолар чиққан. Шундан сўнг ўқувчининг синф раҳбари боланинг онасини чақирган. Онаси эса ўғлига танбех берган ва шундан сўнг бола мактабдан югуриб чиқиб кетган. Ушбу воқеадан кейин у «Қарши Бош канали» «Дашт» қишлоғидан оқиб ўтувчи қисмидаги кўприқдан ўзини сув-



га ташлаган ва ўз жонига қасд қилган. Ушбу ҳолатга унинг ортидан югуриб чиққан синфдошлари ҳам гувоҳ бўлган.

Бу воқеадан албатта биринчи навбатда оналар ташвишга тушади. Ва бир гуруҳда айнан шу савол билан "Сизни 15, 16 ёш болангизни телефонидан беҳаё фото ёки видео қиқса, нима қилардингиз?", деган савол билан мурожаат қилинди. Оналарнинг жавобларига эътибор қилайлик-а:

"МЕН ФАРЗАНДИМНИ ОППОҚ ДЕБ АЙТОЛМАЙМАН"

Ёқут Шерматова: Билмаганга олсам керак, қизиқиб кўрган бўлса менинг билиб қолганим ёмон уят ҳолатга туширарди, деб ўйлайман.

Малика Зубайдуллаева: Ҳозирги кунда вирусдек тарқалган бу. Қанчалик ҳаракат қилмайлик ўсмирлар бу нарсаларга бефарқ эмас. Бу бола ориятли экан. Баъзи болалар шунақа ёшда жуда иззакаш бўлади, сал гап тегиб кетади. Жуда эҳтиёт бўлиб гаплашиш

керак шундай пайтда. Ориятсиз ўсмир болалар ҳаттоки ёмон хотинларга борганини бемалол мактанишади ҳам.

Мабодо мен кўриб қолсам секин дасига тушунтирар эдим. Дадаси ҳам ўзини ҳеч нарсани билмасликка олиб, узокдан айлантириб гапириб, бу нарсаларнинг ёмонлигини тушунтирарди. Ва боламни уйда ёлғиз қолдирмасдим. Болани юзидаги пардани олмаслик керак. Майли уялсин, кейин секин-секин қилмасликка ўтади. Агар ота-онаси билишини билиб қолса, жазо олса ҳам бемалол яна шу ишини давом эттириверади.

Барногул Санақуллова: Табиий физиологик жараён! Чиройли, нозик суҳбат буни давоси! Кимдир олдинроқ, кимдир саал кейинроқ қизиқади бунга, муккасидан кетади...

айб қидиришади, ваҳоланки боланинг одоб-ахлоқига ота-она юз фоиз жавобгар, нега шу пайтгача фарзандининг телефонини назорат қилмаган?

Гўзалхон Абдулҳоджаева: Бу масалада оталар энг яхши йўл бошловчи. Уларни тушунтириш ишлари олиб боришлиги яхшироқ, чунки ўзлариям бу даврдан ўтишган. Энг аҳмоқона ишларни ҳам тўғри тушунтира олишади.

ПОРНО КЎРИШ ЖИНОЯТ ЭМАС, АХЛОҚИЙ МАСАЛА

Махмуд Йўлдошев, психолог: Улим ҳолатига олиб борганлар ҳақида ЖК модда бор. Боланинг нима кўргани жиноят эмас, ахлоқий масала. Боланинг ўлимга сабаб бўлганлар ЖИНОЯТЧИ. Ўша модда билан улар суд қилиниши, жазого тортилиши керак. Айни бу ҳолда боланинг ота-онаси судга мурожаат қилиши керак. Токи мактабда бундай "ўқитувчига" ўрин бўлмасин. Бу ҳолда кафолат йўқ-ку бу инсон эргага бошқа бир болани шу аҳволга солмаслигига.

Шухратжон Иномжонов: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ 103-модда. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадриқимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдиришига суикасд қилиш даражасига етказиш, — уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан;
- б) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- г) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, — етти йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

— Вой нима қипти?

— Сирка ичибди.

— Войй!

Ичкаридан дилни ларзага солувчи фарёд эшитилди.

— Вой болеем! Онанг ўлсин болеем! Онагинанг ўлсин, болеем! Боламни еди-я! Боласининг ўлигининг устида ўтирмаса розимасеен!

Чарос, Дилфузанинг ойиси ўз онасини қаргаётганини тўсатдан тушунди-да, юраги сесканиб кетди...

Ҳа, Ўткир Ҳошимовнинг ушбу қиссаси фожеали тугайди — синфдошларининг ва ота-оналарнинг олдида хатни деб изза бўлган Дилфуза сирка ичиб ўз жонига қасд қилади. Ўзувчи мана шу асар туфайли ўқувчиларнинг, ўсмирларнинг қалбини, кўнглини, руҳиятини очиб бергандек гўё... Мана шу асар туфайли ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги Хитой деворини йиқитмоқчидек бўлган. Мана ярим асрга яқинлашибдики Дилфуза-дек ўсмирлар ҳамон орамизда учраб турибди. Нахотки мана шундай асарлар ҳам педагогларнинг кўзини очишга, огоҳликка ундамасга, Хитой деворини йиқитолмас....

Барно СУЛТОНОВА

SO'Z ERKINLIGI TUXMAT QILISHGA IZN BERMAydi!

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи Мастура опа Каримова Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига йўллаган мурожаатида шундай дейди: "Ассалому алайкум, кўмита ходимлари. Айти пайтда мен уйсиз, ижарама-ижара сарсон бўлиб юрибман. Менинг уйимни ҳокимият ҳеч қандай оғохлантиришсиз бузиб ташлади, лекин уйим бузилганлиги учун бериладиган компенсацияни беришмади. Менимча, уларнинг ўзлари бу пулларни талон-тарож қилишган. Мен бир пенсионер аёл бўлсам, дардимни айтиб қаерга борсам, мени тингламай тўп қилиб тепишмоқда. Ногирон фарзандим борлигини ҳам ҳеч ким ҳисобга олмаяпти. Илтимос, менга ёрдам беринг". Ушбу шикоят бўйича Сурхондарё вилоятига йўл олдик.



риб, бузилган уйлар бўйича шартномаларни сўрадик. Масъул ходимлар кўрсатган ҳужжатларга кўра, Мастура Каримова уйи бузилиши олдидан оғохлантирилган ва компенсация билан таъминланган. Фақат компенсация пулининг икки ойлиги тўлаб берилган, 4 ойлиги эса кейинги ойлarda тўлаб берилиши назарда тутилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан суҳбатлашганимизда эса у Мастура опа Каримова маҳаллага кам таъминланган оила сифатида пул билан таъминланишини сўраб ариза ёзган. Маҳалла фаоллари опанинг аҳолини ўрганиб, ойлик маоши ва нафақаси оила учун етарли эканлигини, қолаверса, ноги-

рон ўғли Ферузбекнинг хотини ҳам ишлаб пул топаётганлиги туфайли ёрдам пули ажрата олмасликларини билдиришган. Бироқ набиралари учун бола пули ажратишларини маълум қилишган.

ҲОКИМ МУКОФОТГА НОЛОЙҚ ДЕБ БИЛАМАН!
Мастура опа ўз мурожаатида Термиз шаҳар ҳокими мурожаатчиларни белгиланган кунни қабул қилмаётганлиги, қабулига кирмоқчи бўлганида опани чиқариб юборганини ёзган. Шунинг билан бирга туман ҳокимига ҳақоратли сўзлар билан таъриф берган. Термизликлар билан суҳбатлашганимизда эса улар туман ҳокими ниҳоятда халқларвар инсон эканлигини, шу боис яқинда Президентимиз-

нинг тавсиялари билан "Фидокорона хизматлари учун" ордени олганлигини таъкидлаб ўтишди. Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Меҳринисо Кенжаева билан бўлган мулоқотимизда ҳам Мастура опа ёзган бир қанча ариза ва шикоятлар билан танишиб чиқдик. Уларнинг барчасида Мастура опа раҳбарларни чидаб бўлмайдиган уятли сўзлар билан қоралаб ёзганликларининг гувоҳи бўлдик. Шикоятчи туман раҳбарларини жиноий жавобгарликка тортиш лозимлигини ҳам ўз аризасида таъкидлаб ёзган. Қизиқ, агар бу раҳбарлар ўзларининг шаънига айтилган ёлғон ва ҳақоратли сўзлар учун Мастура опани судга берса, опа бу тухматлари учун қандай жавоб берад экан?

ЯХШИ ҲАЁТ УЧУН ҲАММАМИЗ ЖАВОБГАРИМИЗ!
— Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига бир кунда 50-60 тадан мурожаатлар келиб тушади, — дейди Фуқаролар мурожаатлари бўлими масъул ходими Феруза Орипова. — Ҳар бир мурожаатни рўйхатдан ўтказиб, мурожаат ортидаги тақдир эгасининг муаммоларини тўла-тўқис ўрганиб чиқамиз. Мастура Каримовадан келган мурожаатни ҳам қабул қилаётганимизда нафақадаги аёл шикоят ёзган тақдирда ҳам раҳбар ҳодимларни ҳақоратлашга ҳаққи йўқлигини, аксинча оғир-босиқлик билан

воқеликка муносабат билдириши лозимлигини айтиб ўтган эдим.

Ҳўмитанинг фуқаролар мурожаатлари бўлими жамоатчи ходимлари Мастура опанинг шикояти бўйича йўлга тушганларида балки машаққатлар ва ноҳақликлар уни шундай гапиршига, чегарадан чиқишига сабабчи бўлгандир деган шубҳада бўлган. Мурожаатдаги ҳар бир воқелик тўла ўрганиб бўлинганидан сўнг Мастура опага кўнгирок қилдик. У шикоятда кўрсатиб ўтган барча муаммолар асоссиз эканлиги, раҳбарларни ноўрин ҳақорат қилганлиги ҳақида сўз борганида Мастура опа хижолат бўлиш ўрнига, ҳозир сўз эркинлиги хоҳлаган гапимни айтaveraман, деди. Агар сизнинг ноўрин сўзларингиз бўйича раҳбарлар судга мурожаат қилишса-чи, деган эътирозимизга эса, жаҳлим чиққанида ёзорибман, кўришганимизда кечирим сўраб қўярман, деди. Айти ўзгаришлар, янгиланишлар жараёнида нима учун бир-биримизга ноўрин тош отиб, вақтимизни кетказишимиз керак, опа, деган саволимга эса кулибгина кўя қолдилар. Ахир туну кун халқ хизматида елиб-юғуриб ишлаётган раҳбарлар шундай муносабатга лойиқми? Яхши яшаш учун фақатгина раҳбарлар эмас, юртимиздаги ҳар бир фуқаро ҳақорат қилиши зарур эмасми?!!

Муқаррама АЗИЗ тайёрлади

БАРЧА ШИКОЯТЛАР АСОССИЗМИ?..

Мастура опанинг шикояти бўйича дастлаб у фаолият юритган туман ИИБ га қарашли поликлиникага йўл олдик. Чунки пенсияга чиққунларига қадар Мастура опа ана шу жамоада ишлаган ва ҳозирги кунда ҳам ишлайди. Айти пайтда Мастура опа олий тоифали психиатр врач сифатида нафақа билан бирга 4 миллион сўмдан ортқ ойлик маош олар эканлар. Сўнгра туман ҳокимлигига бо-

ОНАМ НАҚИДА

Очигини айтсам, онажоним ҳақида бирорта нарса ёза олмадим. Бунга кўп бора уриндим. Таассуфки, ҳар гал раҳматли волидаи муҳтарамам тўғрисида ёзиш учун қўлимга қалам олган захотим кўзларимга ёш куйилиб, оппоқ қоғозлар узра тўкиларди. Бундай ҳолат ҳар сафар такрорланарди. Ниҳоят, яқинда онам ҳақида билганларимни қоғозга туширишга жазм эта олдим.

Онажоним бундан роппа-роса 105 йил аввал "Сижак" қишлоғида туғилган эканлар. Болалиги суронли, оғир дамларда кечган йигирманчи йилларга тўғри келган. Айниқса, йигирманчи йилларнинг охирлари, ўттизинчи йилларнинг бошларида Ўзбекистонда қулоқларга, муллаларга қарши кураш авж олиб, яқинларининг мол-мулкларни давлат ихтиёрига ўтказиб юборилган. Онажоним ўша машъум кунларни эслаганда жуда оғир, қийинчиликлар гирдобидида қолганлигини бот-бот такрорларди.

Онам илм олишга интилган, саводли ёшлардан бўлган. 1926-27 йиллар Чимкентда ўқиган. Ўқиб юрган пайтларида чимкентлик Усмонали деган киши онамга кўнгил қўйиб, уйланган. Лекин минг афсуски, дунёга келган митти қизалоғи

ота меҳридан мосуво қилинган. Чунки, Усмонали қулоқ қилиниб, бор мол-мулки мусодара қилинганди. Муштипар онам гўдагини бағрига босиб, қишлоғи томон не-не машаққатлар ила йўл олади. Бироқ бу ерда ҳам волидамни оғир синовли дамлар кутаётган эди. Тоғаларини ҳам қулоқ қилишиб, қамаб юборган эканлар. Чунки ота-оналари ўтиб кетганидан сўнг эяқин инсони бу тоғаларни бўлган.

Онам қишлоғига келиб, ўқитувчилик қила бошлаган. Гарчи у даврларда мактаблар бўлмаса-да, одамларнинг уйда болаларнинг саводини чиқаришга ҳақорат қилишган. Ўзоқ йиллар ўқувчилари онамнинг берган таълимларини хотирлаб, устози ҳақида илиқ фикрлар юритарди.

Колхозлаштириш даврида ҳам шўро ҳукумати томонидан ўртаҳол деҳқон оилаларига қарашли бўлган от, қорамолларни ҳам колхоз ҳисобига олган. Онам ҳам кўпчилик қатори колхозга аъзо бўлган. Колхоз тасарруфида янги болалар бочаси Ойдин холянинг ҳовлисида очилади.

Онам ўша даргоҳга мудира бўлиб ишга қиради. Боячада ишлаб юрган кезлари Усмон Мусаев деган инсонга турмушга чиқадилар. 9 фарзандни ота-онаси бўлишади. Лекин фарзандларининг ҳаммаси ҳам узоқ яшамайди. Онамнинг отам билан турмушини ҳам рисоладагидек бўлган дея олмаيمان. Кўпчилик яқинларимнинг сўзларига кўра, онажоним отам билан жуда азобда яшаган эканлар. Чунки отам жуда кўп бора уйланган эканлар.

1964 йил мен ҳарбий хизматга кетдим. 1967 йил хизматни тугатиб уйга қайтсам, афсуски, волидам бу дунёни тарк этган эканлар. Уша кундаги аҳолимни сўз билан таърифловмайман. Ийглай десам бўғзимда нимадир тиқиларди. Кейин онам ҳақида китоб ёзишни дилимга туддим. У кишини билган, яқиндан таниган инсонлар билан кўп бора суҳбатлашдим. Ким билан онам ҳақида сўз бошламай, ҳамма бирдек уларнинг яхши инсон эканлигини таъкидлаб, илиқ фикрлар айтарди. Мен шундай инсоннинг фарзанди эканлигимдан фахрланардим.

Мен бу ёднома билан нафақат онамнинг ўтмиш ҳаётини, балки ўз умрини ҳазон қилган муштипар онам тимсолида минглаб, миллионлаб дунё аёлларини худди онамдек ўтиб кетган аёлларни ҳам кўз ўнгимга келтирдим.

Анорбек МУСАЕВ

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1136. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1922. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Ч. Ҳўстамагов
Мусаҳҳих: С. Дўсталимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5